Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган. 2002 йил 21 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 65 (7467)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Da'vat

Odamlar, ilmni egallanglar, ilm olishda sokin, muloyim va viqorli bo'linglar, ta'lim olayotgan va ta'lim berayotgan kishilarga tavoze qilinglar.

Abu Lays SAMARQANDIY

Ibrat

Yaqinda Gollandiyadagi Tvente universiteti rahbariyati Toshkent Davlat texnika universiteti aspiranti, optik tolalar xususiyatlarini o'rganish borasida ilmiy izlanishlar olib borayotgan yosh tadqiqotchi Malohat Komilovani ushbu universitetda ishlashga taklif qildi.

ЮРТБОШИМИЗ АСАРЛАРИНИНГ БИЛИМДОНИ

Аълочи, жамоатчи қиз Хуршидахон Абдумажидова Олтинкўл туманидаги 24-мактаб-интернатининг 9-синфини тугатди. Унинг Юртбошимиз асарларини ўқиб-ўрганишга иштиёқи жуда кучли. Хуршидахон Ислом Каримовнинг ўн тўққиз номдаги асарларини ўқиб-ўрганиб, мустақил равишда конспектлаштирди ҳамда тест саволлари тузиш борасида билимини мустаҳкамлаб борди.

Бу борадаги танлов дастлаб мактаб босқичида, сўнгра туман ва вилоят миқёсида ўтказилди. Республика танловида қатнашиш истаги уни янада ўз устида ишлашга ундади. Бунда устозлари Гулсанам Зокирова ва Фаридахон Араповаларнинг хизматлари катта бўлди.

Якуний босқич олдидан билимдонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўришга, Алишер Навоий ҳайкалини зиёрат қилишга мушарраф бўлдилар. Республика илмий-педагогика кутубхонасида бўлиб ўтган танлов ўқувчиларнинг билимини жиддий синовдан ўтказди. Президент асарлари бўйича оғзаки берилган савол-жавоблар, сўнгра тест топшириқларини бажариш ёшларнинг ҳуқуқий билимларини пухта эгаллашга йўналтирган бўлса, "Мустақиллик менинг тасаввуримда" мавзусидаги иншо ҳамда билимдонларнинг ижодий ишлари уларнинг кенг қамровли ёрқин истеъдод эгаси эканликларини намоён этди.

Хуршидахон тўртинчи шартдаги ижодий мавзуда ўзи чизган бир қатор расмлари билан қатнашди. Расм чизишга бўлган қобилияти у тайёрлаган альбомда ўз аксини топди.

Ушбу танловда Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятларда, Тошкент шаҳрида ғолибликни қўлга киритган 14 нафар ўқувчи орасида ўзининг ҳозиржавоблиги, теран фикри, Президент асарлари ҳақида эркин мулоҳаза юритиши билан ҳакамлар ҳайъатининг эътиборига тушган Хуршидахон Абдумажидовага ҳам омад кулиб боқди. У мазкур кўрик-танловда учинчи ўринни эгаллади ва республика Халқ таълими вазирлигининг дипломи билан тақдирланди.

Бу зукко қиз қўлга киритган муваффақияти ҳақида билим даргоҳининг директори Ўғилхон Халилова шундай дейди: - "Қачонки, ўқувчида билимга чанқоқлик, ўқиб-ўрганишга иштиёқ кучли бўлса, шундагина муаллимнинг берган сабоғи ўз натижасини кўрсатади".

Дарҳақиқат, шундай "Президент асарлари билимдони" бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун қунт билан ўқиш, Юртбошимизнинг ҳар бир асарида илгари сурилган ғояларни теран ҳис эта олиш ва атрофдагиларга етказа билиш ҳам лозим.

О.СИДДИКОВ



Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,

Ҳар фаслнинг ўз фазилати...

Шунингдек, олтин ёз ҳам ўз хислатларини намоён қилиб, ўтиб бормоқда. Янги ўқув йилига ҳозирланаётган болажонлар эса қолган кунларни ҳам бесамар ўтказмаслик учун тўгаракларга, қўшимча таълим марказларига қатнаб, касб-ҳунар эгалламоқдалар, спорт билан шуғулланмоқдалар. Туманлар ХТБга қарашли болалар—ўсмирлар ижодиёт марказларида, дам олиш оромгоҳларида ўқувчилар наққошлик сир-асрорларини, шашка-шахмат ўйини ва бошқа спорт ўйинларининг қонун-қоидаларини ўрганмоқдалар, адабиёт ихлосмандлари бўлган ўқувчилар эса тез орада бошланажак ўқув йили давомида адабиёт ўқитувчиси билан бўладиган бадиий асарлар ҳақидаги баҳс-мунозара дарсига ҳозирданоқ тайёргарлик кўришмоқда.

Суратларда: қимматли вақтларини самарали ўтказаётган ўқувчилар турли хил машғулотлар билан банд бўлаётирлар.

Б.Ризо олган суратлар.

ТЎЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

O'zbekiston — Vatanim manim

Хоразм вилоятига хизмат сафарига отланаётиб, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйига боришни кўнглимга тугиб қўйдим. Меҳрибонлик уйига кириб борганимда эса у ерда катта таъмирлаш ишлари кетаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Дарвозадан киришимиз билан дарахтлар, гулзорлар билан бурканган мурувват маскани ҳувуллаб қолгандек эди. Ичкарига киришимиз билан Меҳрибонлик уйи директор ўринбосари Гулнора Ганиева бизларни очиқ чеҳра билан кутиб олди ва хоналарда кетаётган таъмирлаш ишлари жараёнлари билан таништирди. Синф хоналаридан барча жиҳозлар олиб чиқилган, деворлар, поллар эса янгидан бўялган, бошланажак ўқув йилига тайёргарлик ишлари якунланмоқда.

Бу даргоҳнинг раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пакни сўраганимда, у навбатдаги гуруҳ дам олувчиларини оромгоҳга олиб кетганлигини айтдилар. Бир оздан кейин Вера опа ўзлари кириб келдилар ва бизни кўриб, ҳорғин юзларига табассум югурди. Очиккўнгил, юз-кўзиидан самимийлик уфуриб турган бу аёл ҳақида кўп эшитдим. Ўзлари камтаргина, ўзбек тилини чиройли қилиб гапирадиган бу аёл раҳбаргина бўлиб қолмасдан болаларнинг энг яқин маслакдоши ва кўмакчисидир. Бу ерда 140 нафар бола устозларининг меҳр ва билимларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Кўзларида қандайдир мунг яширинган болажонлар бу ерга турли сабаблар билан келиб қолишган. 5 та миллатдаги болалар оила гуруҳида тарбияланади, яъники ўзбек халқ миллий урф- одат, анъаналаримизга кўра худди уйдагидек хонтахта, кўрпачаларда ўтириб овқатланишади ва мулоқот қилишади. 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар гуруҳларда катта-кичикларга ажратилмай тарбияланади. Шундагина улар катталарга ака, опа деб мурожаат қилишга ўрганишиб, оиладагидек тарбия олишга имконият ҳосил бўлади. Бу йил тарбияланувчилардан 15 нафари 9-синфни битиришди ва катта ҳаётга йўлланма олишди.

—Улар худди болаларим, невараларимдек бўлиб қолишган,—дейди Вера Борисовна, — Ҳар бири олдимга келиб, мана шу билим юртига топширсам, бўлармикан, сиз нима дейсиз, деб маслаҳат сўрашади. Мен эса уларга кўлимдан келганича маслаҳат бераман, ўгитларимни аямайман.

—Бу ердаги тарбияланувчиларнинг ўқишга жойлашишида қандайдир имтиёзлар ҳам борми?

—Ҳа, албатта. Коллежлар, билим юртларига киришда уларга имтиёзлар бор. Лекин бу болани ўқишга жойлаб қўйиш дегани эмас. Битирувчининг ўзидан ҳам қаттиқ тайёргарликни талаб қиламан ва ўзим назорат остига оламан. Улар ўқишга киришгач эса бизнинг уйимизни тарк этишади, ётоқхона, кейинчалик иш билан таъминланишади.

Юқорида тарк этишади, дедим. Лекин бу том маънода, чунки шу ерда таълим-тарбия олган болаларим борки, кўпчилиги кейинчалик келиб, хабар олиб туришади. Ҳаттоки, 10-15 йиллар олдин шу ерда яшаган собиқ тарбияланувчилар ҳам хат ёзиб туришар экан.

Шу пайт Вера опа кўлимга хат ва кичкина боланинг кулиб турган суратини тутқазди. Суратнинг орқасига эса "Ойижоним Вера Борисовнага, невараси Рафаэль туғилиши муносабати билан эсдалик, ўғлингиз Радик Шамгунов" деб ёзилган эди. Ичимда қандайдир титроқ турди, тўлқинланиб кетдим. Қачонлардир шу ернинг тузини еган, тарбиясини олган бола Автомобиль йўллари институтини имтиёзли диплом билан битириб, ҳозир Фарғонада қайсидир корхонани бошқараяпти, аммо бу ерни, устозларини, уларнинг меҳрини унутгани йўқ. Бу эса шу даргоҳдаги устозларнинг меҳри, ширинсўзлиги самараси деб билдим, чунки бола кичкиналигиданоқ ўзига қандай муносабатда бўлишаётганини сезади ва шу аснода ўзида ҳам шу инсонларга нисбатан муносабат шаклланади.

Ушбу Меҳрибонлик уйига қизиқиш билан қараётган чет эл ҳамкорлари ҳам талайгина. Яқинда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари келиб, масканимиздаги ишлар билан танишиб кетишди. Вилоят ИИБ, "Холдинг", "COCA-COLA" компаниялари, "Жайхун", Хивадаги "Аркончи" меҳмонхоналари, "Соғлом авлод" жамғармасининг вилоят бўлимларининг болаларимизга қилаётган ғамхўрликларини ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Ҳозирги кунда бу даргоҳда ҳам мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйини муносиб кутиб олишга тараддуд кўрилаётир. Ўйлаймизки, бу ердаги тарбияланувчилар янги ўқув йилини байрамдан руҳланган ҳолда катта куч-қувват билан бошлашади.

Назокат ХОЛМЕТОВА, "Ma'rifat" мухбири



РУҲИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang

Адабиёт — сўз санъати, инсоният даҳоси яратган сирли сеҳрли мўъжиза, дунёдаги туганмас хазинанинг биридир. Инсон ва унинг табиати, қалби, руҳиятини кашф этишда ҳеч бир соҳа адабиёт билан тенглаша олмайди, унинг ўрнини босолмайди.

Мактабда адабиёт шунинг учун ҳам ўргатиладики, бадиий адабиётсиз инсон тўла маънода шахс бўлиб шаклланa олмайди. Бадиий асарларни ўқиш, тушуниш, таъсирланиш, таҳлил этиб, хулоса чиқара олишга қодирлик инсон маънавиятидаги асосий жиҳат бўлмиш ўзгани тушуниш, туйғуларини ҳис этиш, дардкашлик фазилатларини шакллантиради, китобга меҳр уйғотади, у билан бир умр ҳамроҳ этади.

(Давоми 3-бетда)

Aks-sado

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КЕРАК

"Бизга нодавлат таълим муассасалари керакми?" "Ma'rifat" 2002 йил, 24 июль

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган асосий ва ўзига хос вазифалардан бири давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида сифатли ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожланишни таъминлашдан иборат. Давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат ўқув муассасаларини ривожлантириш, миллий дастурни рўёбга чиқаришда бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг асосий механизмларидан бири. Бунинг натижасида таълим хизмати кўрсатиш бозори вужудга келади. Бу, албатта, таълимни ва тайёрланаётган мутахассислар сифатини мунтазам равишда яхшилашда бош мезондир. Бу фикр "Маърифат" газетасида чоп қилинган ўша мақолада етарлича асослаб берилган.

(Давоми 3-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

МАҚСАДГА ЕТИШНИНГ ЕТТИ ШАРТИ 2-бет

"ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ" ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРАЯПТИМИ? 3-бет

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР 3-бет

ТАРИХ САБОҒИ 4-бет

ЎКСИБ ТУРИШ ЯРАШМАЙДИ СЕНГА, БОЛАЖОН 4-бет

ЭЗГУЛИККА ЖОНФИДО ИНСОН 5-бет

АДАБИЁТИМИЗ БЕҚАДР БЎЛМАСИН 5-бет

ҚЎШИҚ ОДДИЙ ЭРМАК ЭМАС 5-бет

"МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ" БОШҚОТИРМАСИ 8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

TANLOV

Poytaxtdagi Xalqlar do'stligi saroyida Vatanimiz mustaqilligining 11 yilligiga bag'ishlangan "O'zbekiston — Vatanim manim" qo'shiq bayrami tanlovi g'oliblarini taqdirlash marosim bo'lib o'tdi. Tantanada O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari H.Karomatov so'zga chiqib, ushbu tanlovning ahamiyati haqida alohida to'xtaldi.

O'QUV

Milliy matbuot markazida televideniye, radio, gazeta va jurnallar, axborot agentliklari iqtisodiy mavzularni yoritishga ixtisoslashgan jurnalistlarining malakasini oshirish uchun tashkil etilgan ikki kunlik seminar-o'qishi bo'lib o'tdi. Ishtirokchilar Moliya vazirligi va Davlat soliq qo'mitasi yetakchi mutaxassislarining ma'ruzalarini tinglab, qizg'in muhokama qildilar.

TURNIR

Farg'onada belbog'li kurash bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun ilk bor o'tkazilgan I Xalqaro turnirda mintaqamizdagi kurash ustalari ishtirok etdi.

70 dan ziyod polvonlar orasida mutlaq g'olib bo'lgan bag'dodlik Faxriddin Boltayevga O'zbekiston Respublikasi Prezidentining sovrini — "Nexia" avtomobili topshirildi.

TAQDIMOT

Buxorodagi Axborot resurslari markazida xalqaro IEARN loyihasining taqdimot marosimi bo'lib o'tdi. Bu jahonning 80 dan ziyod mamlakati o'qituvchi va o'quvchilarini birlashtiruvchi notijorat ta'lim tashkiloti bo'lib, endilikda buxoroliklar internetdan yanada faolroq foydalanish imkoniyatiga ega bo'ldilar.

БУ ЙИЛГИСИ УЧ ҲАФТА ДАВОМ ЭТДИ

65 нафар республикамизнинг олий ўқув юртлари, лицей ва мактабларнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Омскдаги Сибир "Малака ошириш маркази"да ўз мутахассисликлари бўйича қайта тайёрловдан ўтдилар. Бу йилги қайта тайёрлов курси ҳар йилгидан фарқли ўлароқ саёҳат тарзида уюштирилиб, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Тошкентдаги рус тили ва адабиёт ўқитувчилари уюшмаси (ТОПРЯЛ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

— Бир неча йиллардан буён рус тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Россияда ўз малакаларини ошириб қайтадилар, — дейди уюшма раҳбари Л.Вахрушева. — Қайта тайёрлов курси дастурига жорий йилдан бошлаб бир неча ўзгаришлар киритилди. Эндиликда информатика ўқитувчилари ҳам мутахассисликлари бўйича малака ошириб, тажриба алмашмоқдалар. Дарвоқе, Россиялик мутахассислар томонидан энг охирги дарслардан сўнг бажарилиши лозим бўлган вазифалар, яъни ўзбек мутахассислари томонидан тайёрланган курс ишлари МДҲ давлатлари мутахассислари тайёрлаган ишлар орасида энг намунали ишлар деб тан олинди. Яна бир янгилик. Бу гал Малака ошириш марказида Омск олий ўқув юртлари профессорлари, машҳур олимлар ва филологлар маъруза қилдилар. Хуллас, ҳар йили икки ҳафта давом этадиган мазкур курс бу йил уч ҳафта давом этди.

Азат ПРИМОВ

O'qituvchi yon daftariga

AVSTRALIYADAGI ARZON TA'LIM

Albatta, Avstraliyada. Bugun bu mamlakatda 180 ming xorijlik talabalar tahsil oladi.

Avstraliya xalqaro ta'lim departamentining ta'kidlashicha, ushbu mamlakatda oliy ta'lim olish AQShga nisbatan 300 foiz, Buyuk Britaniyadan esa 60 foiz yoki Kanadadan ko'ra 30 foiz arzonroq.

HINDISTON TALABNI O'ZGARTIRDI

Hindiston hukumati bundan buyon Rossiya tibbiyot oliy o'quv yurtlarini tamomlagan mutaxassislarni to'g'ridan-to'g'ri amaliyotga jalb etmasligini bildirdi. Sabab, keyingi yillarda Rossiyada ta'lim sifatining pasayib ketganida bo'lib, qabul qilish yangi qonunga ko'ra, shu yil sentabr oyidan chetda tahsil olgan hind talabalari qo'shimcha sinovdan o'tadigan bo'ldi.

MDUGA IMTIHONSIZ QABUL

Joriy yilning 25 avgustiga qadar Moskva Davlat universiteti "Russkoye radio" studiyasi bilan hamkorlikda tanlov e'lon qildi. Unga ko'ra rus radiosiga to'g'ridan-to'g'ri efir vaqtida telefon orqali bog'lanib, uchta savolga aniq javob berish kifoya qiladi — siz talaba bo'lasiz.

Hozirgacha 6 nafar muxlis bunday baxtdan bahramand bo'ldi.

XORIJIY TALABALARGA CHEKLASHLAR

AQSH immigratsiya xizmati xorijiy talabalarning mamlakatga ta'lim olish uchun tashriflari va ta'lim shart-sharoitlariga o'zgartirishlar kiritilganini ma'lum qildi. Unga ko'ra, AQShga kirish vizalari qat'iy tartibga solingan hamda xorijiy talabalarga har qanday qurol-yarog' ishlab chiqarish texnologiyalariga daxldor ta'lim yo'nalishlari bo'yicha tahsil ta'qiqlangan.

Биз эскича қолоқ фикрлаш, эскича қолоқ тафаккур асоратларидан қанча тез қутулсак, ҳаётимиз шунчалар обод, бой ва фаровон бўлади.

Афсуски, халқимиз тафаккурига шўролар сингдирган лоқайдлик, беғамлик, "Билдим, дединг — тутилдинг, билмадим деб қутулдинг", деган мақолларга амал қилиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб туради.

Milliy istiqlol g'oyasi

МАҚСАДГА ЕТИШНИНГ ЕТТИ ШАРТИ

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласининг "Инсоният тарихида мафкурадан кўзда тутилган мақсадлар" деб номланган банди бор. Унда "ҳар қандай мафкура қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутади: муайян ғояга ишонтириш; уюштириш; сафарбар этиш; маънавий-руҳий рағбатлантириш; ғоявий тарбиялаш; ғоявий иммунитетни шакллантириш; ҳаракат дастури бўлиши. Мафкура ўз олдига қўйилган шу каби мақсадларни бажара олсагина, амалий самара бериши мумкин", дейилган. Бу қисқа, лекин ўта муҳим хулоса.

Муайян ғояга ишонтириш

Ҳар бир жамият сиёсий ҳаётида содир бўлган жиддий бурилиш унинг ғоясида, ахлоҳида, маънавияти, диди, қарашларида ҳам параллел содир бўлиши ижобий натижаларни беради. Бу параллелликка эришса бўлади. Бироқ бу кўп, қатъий, тезкор маърифий ишларни талаб қилади. Бир кишини энг замонавий мода бўйича кийинтириб, ясантириб қўйиш учун 5 дақиқа кифоя. Бироқ уни замонавий, янгича фикрлашга 5 кун ҳам, 5 ой ҳам, 5 йил ҳам камлик қилиши мумкин.

Ғоявий янгиланиш педагогик тилга ўгирилганда тарбиялаш ва қайта тарбиялаш деган тушунчаларни англатади. Биз, бугун, эртага кечаги дунёқараш, ўй-хаёл, ниятлар билан яшай олмаймиз. Янгича фикрлаб, янгича яшасак – матлуб, эскича фикрлаб, эскича яшайверсак - мағлуб бўламиз. Чунки жаҳоннинг ҳамма миллатлари эски, зарарли нуқсонлардан ўзларини тозалаб, енгил бўлиб, олға югураяпти. Бу пойгада қайси миллат замонанинг энг илғор, пешқадам фазилатларига амал қилса, ўша ютади.

Президент Ислом Каримов 2002 йил 3 май куни японияли археолог олим ва жамоат арбоби Кюдзо Катони халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижий элларда тарғиб қилишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун "Дўстлик" ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

Кюдзо Като – ёши саксондан ошган олим. У қадимий Сурхон воҳасидаги кўҳна манзилгоҳлар бағридаги бой тарихни ўрганиш учун олис Японiядан келган. Бир неча йиллардан буён Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа каби масканларда изланиш олиб боради. Қўлидаги тешаси билан ҳар бир қарич ерни ковлаб, синчиклаб кўздан кечиради. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланаётган кунларда ушбу шаҳардаги янги Археологик музейнинг тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбари бу фидойи инсонни бағрига босиб, "Мустақил юртимизга сиз бир фидойи фарзанд мисоли хизмат қиляпсиз", деб эҳтиром кўрсатгандан кейин мамлакатимизда бу шахсни танимаган одам қолмади. Бизнинг бебаҳо тарихимиз мана шу тарзда бугунги ва эртанги кунимизга хизмат қилмоқда. У халқимизни бошқа халқлар билан яқинлаштирмоқда.

Ана шундай қадриятларимиздан бири бўлган ўзбек курашини олайлик. У дунёни ўзига қаратганини дунёнинг ўзи эътироф этди. Миллий ғурур туйғуси ёшларимизни катта-катта муваффақиятларга даъват этмоқда. Бугунги ўзбек мактабининг ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларидан шода-шода олтин медалларни олиб келмоқда... Бўлар экан-ку!

Уюшиш

Аҳил, дили, тили, иши бир миллат тез уюшади. Уюшқоқлик ҳам тез урф бўлади. Аҳил миллат одамларининг мақсад, нияти уларни дўст, қон-қариндошларга айлантириб юборади. Бир ҳамқишлоғиникига, маҳалладошиникига келган ҳашарчиларнинг мақсади, нияти, бирбирини қўллаб-қувватлаши, аҳиллиги, "соз"лиги қандай бўлса, аҳил миллат ҳам ўзини шундай тутади. Ҳашарга келган кишилар бир-бирига эркин муносабатда бўлади. Ҳар бир ишни эркин муҳокама қилишади. Чунки ҳар бир айтилган фикр яхши ниятда, умумий ишни енгиллатиш ниятида айтилади-да.

Мустақил миллат шундай бир ахд қилиши керак эди-ки, бу ахд бизнинг тилимизу дилимизни бир қилсин, бир жону-бир танга айлантирсин. Бу ахд энди бор. У озод, обод, фаровон, эркин, фуқаролик жамиятини қуриб, яшаш. Уни амалга ошириш учун аҳиллик зарур.

Аҳиллик ва билим бўлмаган жойда ҳатто эзгуликка хизмат қилиши лозим бўлган демократия ҳам кутилган натижани бермайди.

Демократия аслида янги фикр, янги ғоя, янги ташаббусларнинг манбаидир. Бироқ, ўтиш даври, айниқса унинг бошида эскича фикрловчилар кўп, янгича фикрловчилар кам бўлган. Янги фикр эски фикр билан доим курашда. Ҳозир ҳам. Демак, инсониятнинг бугун эришган барча ютуқларига янги фикрларнинг қийналиб бўлса-да, рўёбга чиққанида. Эришмаган армонларига эса эски фикрларнинг, консерватизмнинг туёқ тираб турганлиги сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Сафарбарлик

Она бой фарзандини ҳам, камбағал фарзандини ҳам бир хил суйганидек, миллат учун ҳам фарзандларнинг мулки, ёши, илми, касби, туғилган жойининг фарқи бўлмайди. Ва миллат ўғил-қизлари ҳам бунинг эвазига ҳар куни ўз Ватанига - Ўзбекистонга хизмат қилишга бурчлидирлар.

Бозор иқтисодиёти танбал, ишёқмас, боқиманда одамларга шафқатсиз. Бундайлар бозор шароитида ўз ўрнини топа олмайди.

Енгил ҳаёт, ҳар куни лаззатли яшаш – эрмакка яшашга ўхшайди. Бу дунёдан ота-она яратиб қўйган текин неъматларни еб-ичиб, мусиқа эшитиб, бутун умр боқиманда бўлиб, машина миниб ўтиб кетиш яхши эмас. Бу — ота-она меҳнати, давлатидан фойдаланиб ўз умрини, шахс сифатида бетакрорлигини, "Мен"ини, ўзини ўзи совуриш. Охири пушаймон иш.

Фаол, тиниб-тинчимас, изланувчан, янгиликка интилувчи одамларга йўл очиқ. Бир қараганда бундай одамлар ўзларини ўйлаб елиб-югуриб ижод қилиб, янгиликлар яратиб, бахтга эришадигандек. Бироқ, ўзлари билиб, ё билмай жамият ва миллатнинг тараққиёти билан боғлиқ турли мушкулотларни енгиллатади. Масалан, америкалик Гейтс исмли шахс компьютерни ўйлаб топиб, дунёнинг энг бой кишисига айланди. Бундан эса инсоният ютди. Юз миллионлаб одамлар "Made in USA" тамғаси босилган компьютерларни сотиб олиб, ишлатиб, бугун қанча-қанча муаммоларини ҳал этмоқда.

Худди шу каби кимдир оғир касалликлардан бирини, дейлик, саратон касаллигини даволаш йўлини топадиган бўлса, ўзининг интеллектуал мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи лицензиясини дунёнинг барча миллат ва давлатларига сотади. Бунинг эвазига у беҳисоб мол-дунёга эга бўлади.

Хуллас, машаққат, изланиш ва яратиш эвазига одамзод нимага эришиши мумкин бўлса, ҳаммасига эришади.

Хўш, миллат, инсоният-чи? Бундан қандай наф кўради? Аввало бундай кашфиёт туфайли миллионлаб одамларнинг умри узаяди. Улар ҳаёт лаззати, гаштини кўпроқ сурадиган бўлади. Қолаверса бедаво дардлардан биттаси тузалмас касалликлар рўйхатидан абадий чиқариб ташланади.

Келинг, ана шундай кашфиётни Ибн Сино авлодларидан бўлган ўзбек йигити амалга оширди деб, фараз ва умид қилайлик. Унда бутун дунёдан, турли миллатга мансуб беморлар ҳайрат ва умид билан шифо истаб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларимизга кела бошлайди. Бундан миллатимизнинг обрўйи ҳам, маънавий салоҳияти ҳам ошади.

Саратон дардига даво бор. Бу табиатнинг инсон ақли олдига қўйган масаласи, жумбоғи. Бу жумбоқни ечиш учун тарозини бир палласига унинг оғирлигига тенг ирода, изланиш, илм, тиришқоқликни йиғиб қўя оладиган йигит-қизлар керак.

Маънавий-руҳий рағбат

Бошланган XXI аср эса янги фазилатларни – ҳар бир фуқаронинг тараққиётимиз тамойилларини чуқур англаган ҳолда фикр юритишини, замонанинг илғор миллатлари амал қилаётган турмуш тарзини миллий хусусиятларимизга мослаб қабул қилишимизни талаб қилмоқда. Чунки XXI асрнинг суръати XX асрникига қараганда тездир. Буюк келажак бизлардан қисқа вақт ичида кўп ишни қилиб олишимизни талаб қилмоқда. (Пешқадам миллатлар вақтни нега бу қадар қадрлашларининг сабаблари ҳам шунда бўлса керак.)

Бугун халқимиз жаҳондаги минглаб миллатлар орасидан муносиб жой олди. Бизнинг ижтимоий ҳаётимизда адолат қарор топди. Ф. Аквинский таъбирича: "Адолат руҳнинг хусусияти. Одамлар унга таяниб, ҳар бир кишининг ҳақига мос ишни бажо келтиришга садоқат ва субут билан интиладилар". Маълумки, мустамлака миллат озод эмас, тутқун бўлади. Тутқун миллат ижодкор бўла олмайди, муте миллат бўлади. Тутқунлик фақат сиёсатда эмас, маънавиятда, менталитетда ҳам яққол кўринади. Чунки одам яшаш, кун кўриш учун мустамлакачилар талабларига мослашиб, ўзидаги мутелик ҳиссини янада чуқурлаштириб боради. Ҳар қандай миллат алоҳида одамлардан ташкил топади. Демак, ҳар бир одамга хос белги-хусусиятлар охир-оқибатда миллат характери, менталитетига ҳам сингади. Шунинг учун ҳам мустамлакачилик шароитида озод одамларнинг фазилатлари иллат, маданиятсизлик, беадаблик деб салбий баҳоланган бўлса, мутеларга хос бўлган мискинлик, лоқайдлик, боқимандалик каби сифатлар эса камтарлик, хушмуомалалик, одамгарчилик деб ижобий баҳоланди. Шу маънода ҳозир бизнинг миллатимизда ментал ислоҳотлар, эволюция жараёни кечмоқда. Бундай шароитда эса маънавий-руҳий рағбат ниҳоятда зарурдир.

Инсон, миллат менталитети ўзгариб туради. Бунга фанда ҳам, динда ҳам далиллар бор. Масалан, Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В.нинг иймоннинг кучайиб-сусайиб туриши ҳақидаги, умматнинг аҳиллиги ёки парокандалиги ҳақидаги ҳадисларини эслаш мумкин. Маърифатпарвар боболаримизнинг миллат зийнати ҳақидаги танқидий фикрларини эслайлик. А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романида ҳам бизнинг мустамлака бўлиб қолишимизга ўзимизнинг феъли-мизнинг сабаб, деган ҳасратли фикрлари яна бир мисол. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати билан биз энди шижоатли, ижодкор миллатга айланаётганимизни кўриш, сезишга қаратилган бир урғу эди.

Ижтимоий-гуманитар фанлар – миллий менталитет, мафкура, маънавият учун асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Демак, менталитет эволюцияси бу фанларнинг долзарб муаммоларидан бирига айлантирилиши керак. Бу – жамиятнинг умуминтеллектуал салоҳиятини (тарих, фалсафа, иқтисодиёт, мусиқа, сиёсат, адабиёт, менежмент ва бошқа соҳалар бўйича билимларини) оширади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир француз, немис, америкалик, япон билган умумий билимларни ҳар бир ўзбек ҳам билиши лозим. Демак, маърифат (интеллектуал тарғибот) халқни мактаб, институт-университетдан кейин ҳам узлуксиз ўз устида ишлашига, замонавий билимлардан хабардор бўлиб боришига хизмат қилади. Инчунин, билимли жамиятгина кучли жамият бўла олади.

Айниқса, миллий давлатчилигимиз тарихи, ҳозирги тараққиётимиз ва буюк келажагимиз ҳақидаги билим, тушунча ва тасаввурларнинг бир хилда тўғри тушунтирилиши шу масалада умуммиллий бирликни юзага келтиради. Бу фидокорликнинг бутун Ўзбекистонда – Шаҳрисабзу Хўжайли, Фарғонаю Жиззах, Когону Олтиариқ...да бир хил намоён бўлишига олиб келади.

Янги хулқ-атвор, одатлар ҳеч қачон бирданига, ўз-ўзидан урф бўлиб кетмаган. Яъни, улар дастлаб пухта асосланиб, кейин қатъият билан жорий этилади. "Жамият бунга астаста кўникади. Кейинчалик бу хулқатвор меъёрлари — одатга, ундан кейин эса эъзозли миллий қадриятга — фазилатга айланади" (Ф.Нитще). Миллий анъаналар, масалан, немисларнинг аниқлик, ўзбеклардаги меҳмондўстлик ва бошқа одатлар ҳам қотиб қолган нарсалар эмас, ўзгариб, янгиланиб боради. Бунга японларнинг "Сиккари" (миллатнинг бирор янги анъанага риоя қилишга, ёки аксинча, бирор эскирган хулқатвор тарзидан воз кечишга келишиб, ахд қилиши) анъанаси мисол бўлиши мумкин. Демак, бир томондан миллий ғоя мавжуд урф-одатларимизга сингдира борилиши керак (социал технологик асосда); иккинчи томондан эса мутлақо янги – замонавий, миллий ғоя асосига қурилган урф-одатларни илмий асослаб, илғор, замонавий, бунёдкор хулқ-атвор меъёрларини, муносабат шаклларини яратиш керак. Бу тажриба мутараққий мамлакатлар тарихида кузатилган.

Ғоявий тарбия

Рисолада ҳар қандай мафкуранинг ғоявий тарбия билан шуғулланиши бежиз қайд қилинмаган. Бугун ёшларимиз ғоявий тарбияга қанчалик муҳтож бўлса, аҳолининг таълимдан ташқари, ёши катта қисми қайта ғоявий тарбияга шунчалар муҳтож. Эстетик, жисмоний, гигиеник, меҳнат тарбиялари назарияси ва методикаларига катта ёки кичикроқ ўзгартиришлар киритиб ислоҳ қилиш мумкиндир. Лекин ғоявий тарбияга бундай ёндошиб бўлмайди. Мустақиллик, миллатимиз ҳаётидаги янгиланиш, ғоя масаласида мутлақо янги ёндашувларни тақозо қилмоқда. Биз эскича қолоқ фикрлаш, эскича қолоқ тафаккур асоратларидан қанча тез қутулсак, ҳаётимиз шунчалар обод, бой ва фаровон бўлади.

"Нима яхшилигини билиш учун ниманинг ёмонлигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик кераклигини билиш керак" (Л.Толстой), дейдилар. Бу масалада одамларда шундай савол туғилиши мумкин: Биз – шўро даврида туғилдик. Унинг тарбиясини олдик. Ҳақиқий коммунист, инқилобчилар қандай бўлиши кераклигини, нима яхшию нима ёмонлигини шўро мактабларида жуда қойилмақом қилиб "ўргатишган". Ўша вақтлар номаълум тараққиёт йўлидан мавҳум манзилга кетаётганимизни таҳлил қилиш имкони йўқ эди. Мустамлакачиликдан мустақилликка чиқишимизга йўл берилмасди. Миллатимиз тарихидаги улкан маънавий юксалиш даврларини ҳам биздан яшириб келинганини энди биламиз. Эскича қараш, қолоқ фикрлаш асоратларидан бутунлай воз кечиш кераклигини ҳам биламиз. Бироқ энди биз қандай мақсадларга интилиб, нималарга ишониб яшашимиз керак? Оддий қилиб айтганда, нималарни қилиш ва нималарни қилмаслик керак?

Бу масаланинг ечими айланиб-айланиб ғоявий тарбияга бориб тақалади. Ғоя амал қилингандагина оммалашади. Амал қилинмаган ғоя эса сўнади. Яъни, ҳар қандай улуғвор ғоя ҳам амалга ошмаса — лойиҳадаги бино. Унинг иморатга айланиши учун ким сув келтириши, ким цемент қориши ёки ғишт теришини, электр ўтказиши ва ким томини ёпишини билиши керак. Аниқ билиши керак. Бунинг учун мафкура ўша муҳташам бинонинг бор гўзаллиги билан уни қуриш меҳнатини ҳам қўшиб, чизиб кўрсатиши керак. Бу одамларни — эртага шу бинода яшайдиган кишиларни ишонтиради, рағбатлантиради.

Аммо рағбатлантириш учун олиб бориладиган фаолият аниқ манзилга, шахсга, гуруҳ ёки тоифага қаратилиши, бу борада аниқ мақсадли ғоявий тарбия амалга оширилиши, мақсад ва унга етиш йўллари баён этилиши талаб қилинади. "Баён этиш аниқ-равшан бўлмоғи лозим; бу эса зарур тажрибасиз мумкин эмас" (Р.Бэкон).

Шу маънода, болаларга тушуниши учун жуда узоқ муддат талаб қилинадиган ғояни таклиф қилиб бўлмайди. Муддатли ва истиқболли режалар асосида фаолият оддийдан мураккабга йўналтирилиши, шахсий ва гуруҳий жамоа ғоялари улканлаштириб борилиши керак. Албатта буларнинг барчаси умуммиллий ғоямиз контекстида таклиф қилиниши лозим.

Юқорида ғоявий тарбиянинг таълимдан ташқари аҳоли учун ҳам мутлақо янги босқичдан бошланиши ҳақида гапирган эдик. Шундай экан, ишлаб чиқариш жамоалари, фермер хўжаликларида ҳам ана шу эволюцион тамойил – оддийдан мураккабга, яқиндан-олисга қараб боришга мўлжалланган истиқболларни белгилаб, фаолият юритиш, миллатнинг ўз ақли ва кучига бўлган ишончини мустаҳкамлаб боришда керак бўлади.

Ғоявий иммунитет

Биз Ўзбекистонда хусусий мулк миқёси ва улушини ошириш, мулкдорларнинг кўпчиликни ташкил этишига эришиш орқали ижтимоий ҳаётда барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш йўлидан бораяпмиз. Шўролар эса онгимизга бой мулкдорларга қарши шунчалик нафратни сингдирдики, унинг асоратлари онгимизни бутунлай тарк этган йўқ. Етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида "Бой-ахлоқсиз", "Бой - бузуқ", "Бой - фирибгар", "Бой - хотинбоз", "Бой - ноинсоф" деган мафкуравий тасаввурлар шакллантирилди. Иш бадавлат одамларга нисбатан бўлган нафратни "совет кишиси"нинг туғма фазилати сифатида талқин этишгача бориб етди. Ҳамма бир хил эзилган, бир қолипга солиниб, ягона тоифага келтирилган, барча бир хилда ўйлашга йўналтирилган, битта тилда сўзлашга мажбур этилган тузум эди у тузум.

Бу ҳақда АҚШнинг Массачусетс технология институти профессори Лорекн Р.Грэхэм 1991 йилда чоп этилган "Табиатшунослик, фалсафа фанлари Совет Иттифоқидаги одамларнинг хулқ-атвори ҳақида" деб номланган монографиясида шундай ёзади:

"Шўролар Марказий Осиё халқлари билим ва тафаккурда саводсиз, қолоқ деб жар солишди. Лекин ўша даврда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шимолида яшаётган, билим ва тафаккури ўша халқларникидан ортиқ бўлмаган миллионлаб ишчи-деҳқонлар ҳақида ломлим дейишмади... Чунки, шўро мафкурачилари марксизмнинг тараққиётдан орқада қолган халқлар учун жозибали эканлигини кўп таъкидлашар эди. Аммо марксизм моҳиятида европоцентризм ётиши тўғрисида лом-мим дейилмас эди. Негаки, ҳар қандай илмий назариянинг тўғри ё нотўғрилигини фақат партия билиши ва айтиши мумкин эди, холос". Бунинг устига XX асрнинг 30-40 йилларда коммунистик тарбия ва тарбия услубларига ишонч кучли бўлган бўлса, 80-йилларга келиб, бу ишонч қуриб битган эди.

Аммо, очиқ айтиш керак, баъзан одамлар орасида, "Илгари яхши эди. Ҳамма бир хил яшарди. Бойлар йўқ эди" — деган гаплар ҳам баъзан учраб туради. Тўғри, шўро даврида бойлар йўқ, ҳамманинг камбағаллик даражаси бир хилда эди. Биз 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида метрополия қовоғига қараб яшадик. Ҳолбуки, бу пайтда бутун дунё бозор муносабатларига юз тутган эди. Биз учун бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш – сунъий дунёдан, иссиқхонадан чиқиб, асл табиат бағрига кириш, сунъий ҳаёт неъматларидан қўл силтаб, шўро зиндонидан чиқиб, кураш майдонига кириш, кўлмақдан чиқиб бутун оламда бир хил бўлган денгиз сатҳига, океанларга боғланиш, шўроларнинг социал эксперементал лабораториясининг бузуқ ҳавосидан қутулиб тоза ҳавога – боғу роғлар қўйнига киришга ўхшайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида халқимизнинг "Ишлаган – тишлайди!", "Қозон ўтдан – одам ҳаракатдан қизир", "Аҳд қилган бахт топар" деган мақолларида кўзда тутилган қонун-қоидаларга амал қила бошланди. Чунки, миллатга ишёқмас, боқиманда, муте одамлар эмас, ишчи ва тадбиркор, ақли бутун, маънавияти юксак ҳам ўзини, ҳам эл-юртни бой қиладиган фарзандлар керак. Мустақиллик шарофати билан айнан ана шундай — иродали, тиниб-тинчимас, ижодкор, изланувчан, бошлаган ишини охирига етказмасдан қўймайдиган янги, ҳақиқий инсонлар пайдо бўла бошлади.

Бу одамлар дунёқараши, ишга бўлган муносабати жиҳатдан тамоман бошқача. Уларнинг ўйлари ҳам, гаплари ҳам, юриш-туришлари-ю кийинишлари ҳам янгича ва замонавий. Улар вақтларини фақат чойхона ва зиёфатларда ўтказмайдилар. Улар учун энг қимматли нарса – ВАҚТ. Улар камгап. Лекин ишга шердек ташланади.

"Равшанжон 3 та ночор оилага фалон сўм ёрдам қилган эмиш". "Собирбой ўз ҳисобидан мактаб қуриб берган эмиш барака топгур", — деган гапларни бугунги кунда кўп эшитамиз. Бу гаплар ҳам жамиятимизда мулкдор ва тадбиркор одамлар кўпайиб бораётгани, улар саҳоват, меҳр-оқибат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини кўрсатади.

Ҳаракат

Афсуски, халқимиз тафаккурига шўролар сингдирган лоқайдлик, беғамлик, "Билдим, дединг – тутилдинг, билмадим деб қутулдинг", деган мақолларга амал қилиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб туради. "Биз бирлашиб бир ҳашар қилсак, албатта, шу иш битиб қолади. Қани, бошладик" дейиш ўрнига "Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар" қабилида бепарво яшаш ҳоллари ҳам бор.

Аммо, унутмаслик керакки, ҳар бир инсонда жамият учун фойдали бир иқтидор бор. Уни рўёбга чиқариб бой-бадавлат яшаш керак. Бунга эришиш бозор иқтисодиёти шароитида бутун дунёда ҳозир ҳам қийин. Лекин унга эришиш мумкин ва керак.

Мустақиллигимиз шарофати билан минглаб имконият эшиклари ланг очилди. Шулардан бири – халқаро ишчи кучи айирбошлаш саналади. Бу жараён йўлга қўйилгани боис бугунги кунда минглаб чет элликлар Ўзбекистонда, минглаб ўзбекистонликлар эса чет элларда ишлаш имкониятларига эга. Мутараққий мамлакатларда инсон омилидан самарали фойдаланиш қандай йўлга қўйилгани, бозор иқтисодиётининг, меҳнат бозорининг моҳиятини англаш учун у ерларда одамлар қандай ишлаётганлигига бир назар ташлайлик.

Жанубий Кореяда 2 йил ишлаб келган 36 ёшли Дониёр ака сўзлайди: *"Жанубий Кореяни юксалтирган нарса менимча, қаттиқ меҳнат, интизом, кичик маиший нарсаларда кўп фикрлик, катта нарсаларда – дили, тили бирлик. Кичик, хусусий корхоналарда одамлар 12 соатдан ишлайди. Якшанба — дам олиш куни. Бу ерда ишдан эрта кетиш ҳоллари мутлақо йўқ. Шунингдек, "Бир маъракамиз бор эди, шунга бормасам бўлмай турибди. Мени сўрашса, "Шу ерда", денг, хўпми?! Эртага келиб, бугунги ишимни қилиб қўярман" қабилидаги узрхонлик ва баҳоналар ҳам кўзга ташланмайди. "Бу - бошлиқнинг қариндоши"; "Фалон бойваччанинг оғайниси" деган гаплар-ку уларнинг тушига ҳам кирмайди.*

Мен ишлаган корхонада бошлиқнинг иккита жияни ишлар эди. Акасингил. Акаси 2 марта беш дақиқадан ишга кеч келган эди, ишдан ҳайдашди. 6 ой ўтди. Синглиси мебелга қулфни 2-марта нотўғри ўрнатган эди у ҳам ишдан ҳайдалди. Талаб жуда қаттиқ, шунинг учун меҳнат ҳам самарали. Иш куни 12 соатли машаққатли, бетиним меҳнатдан иборат. Жанубий Кореяни юксалтирган нарса ҳам ана шу - миллий бирлик, қаттиқ ва самарали меҳнат. Биз ҳам давлатимиз яратиб берган шундай улуғ имкониятлардан фойдаланиб, ишга эскича қарашдан қутулсак Жанубий Корея эришган маррага албатта етамиз, улардан ўзиб ҳам кетамиз, мен бунга ишондим. Чунки ўзбек халқи меҳнатсеварликда бошқалардан ҳеч ками йўқ".

Ҳамюртимизнинг ишончи ўринли эканлигини таъкидлаш жоиз. Биз ўзимиз ҳам хизмат сафари билан Корея Республикасида бўлиб, унинг тарихи ва ҳозирги аҳволи билан яқиндан танишиб, ушбу давлат тараққиётининг сири нимада эканлигини билишга ҳаракат қилдик. Уни Ўзбекистонда ҳозир амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар билан қиёслаб, истиқболимиз фақат ўзимизга боғлиқ эканлигига, турмушимизни фаровон қилиш ўз қўлимизда эканлигига яна бир бор имон келтирдик.

Жанубий Корея XX асрнинг 70-йилларигача иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб, ялпи миллий даромади бўйича дунё мамлакатлари рўйхатида охиридан тўртинчи ўринда бўлган. Ҳудудининг катта қисми тоғли жойлардан иборат бўлгани учун бу ерда табиий ва минерал хом ашё заҳиралари кам, экин майдонлари чекланган, илгари саноат ишлаб чиқариши яхши йўлга қўйилмаган мамлакат кейинги ўн йилликлар давомида кенг қамровли ислоҳотлардан сўнг мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Ҳозирги кунда бу мамлакат ўз тараққиёти жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида ўн иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Қаранг, хом ашё заҳиралари чекланган мамлакат ўз халқининг иродасига таяниб қатъият билан замонавий саноат корхоналарини бунёд этди ва аниқ мақсадни кўзлаб, бозорга ўз моли билан киришга интилди. Улар Корея Республикасининг ўтиш даврида ҳам, унинг ҳозирги тараққиётида ҳам ўзига хос ўринни эгаллайди. Масаланинг яна бир муҳим жиҳатини тасаввур этиш ва англаш учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик. 1968 йилда қуриб ишга туширилган POSKO номли йирик металлургия комбинати жамоасининг ўзига хос, корейс миллий хусусиятига мос шиори бор: ***"Заҳиралар чекланган, лекин ижодга чегара йўқ!".*** Мазкур ва шунга ўхшаш шиорлар корейс халқини ҳаётда муносиб яшаш учун курашга, ижодга илҳомлантириб туради.

Албатта, меҳнат ва унинг маҳсулоти қандай бўлса, турмуш ҳам шундай бўлади. Бунинг мисолини биз бугун ўзбек тадбиркорлари, ишбилармонлари меҳнатида, турмушида кўра бошладик. Демак, ҳар бир ўзбекистонлик ватанпарварлигини ўз иш ўрнида, қаттиқ ва сифатли меҳнат билан тасдиқлаши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, халқнинг маънавияти, онгу тафаккурининг ўзгариши ва доимий равишда юксалиб боришида ана шу халқ орзу интилишлари ифодаси бўлган миллий ғоя муҳим аҳамият касб этади. У аввало халқни ўзлигини англаб, ягона ғоя атрофида бирлашишга даъват этади. Ўзлигини англаган, ягона халқ, ягона миллат бўлиб уюшган жамиятни эса ҳеч қандай куч енголмайди.

Н. ҚУВВАТОВ

Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир мактаб ўзига тегишли бўлган майдондан оладиган буғдой ҳосилини хўжаликка топширмасдан, даромадни тўлиқ мактабга кирим қилади.

Ана шу мақсадда Марказга 125 дона IBM русумидаги компьютер техникаси сотиб олиниб, махсус хоналар замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Hay'at yig'ilishida

"ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ" ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРАЯПТИМИ?

Газетамизда Халқ таълими вазирлиги ва Жиззах вилоят ҳокимлигининг ўзаро келишуви асосида "Вилоят таълим бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик дастури" ишлаб чиқилганлиги ва унинг илк натижалари ҳақида хабар берилган эди.

Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлигининг қўшма ҳайъат йиғилишида ҳам асосий эътибор айнан шу масалага қаратилди. Мазкур қўшма ҳайъат йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари, вилоят туманлари ҳокимлари иштирок этдилар. Йиғилишни Жиззах вилояти ҳокими Убайдулла Яманқулов бошқариб борди.

Жиззах вилоят ҳокимининг қурилиш бўйича муовини С.Субхонқулов "Ҳамкорлик дастури" асосида ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди. Унинг таъкидлашича, вилоятда 531 та умумтаълим мактаби, 181 та мактабгача таълим ва 36 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлиб, ҳамкорлик дастури кучга киргунча уларнинг аксарият қисми таъмирталаб аҳволга келиб қолган, 7 та мактаб эса бутунлай яроқсиз аҳволда эди. Ўтган қисқа вақт мобайнида ана шу камчиликларни бартараф этиш борасида кенг кўламдаги ишлар қилинди. Жумладан, 59 та мактабда мураккаб, 472 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мактабгача таълим муассасаларининг 2 тасида мураккаб, 179 таси жорий, 36 та мактабдан ташқари таълим муассасаларининг барчаси жорий таъмирдан чиқарилди. 5 та авария ҳолатидаги мактаблар учун янги ўқув бинолари қуриш бошлаб юборилди. Қисқаси, бу борада қилинган ишлар кўп. Яна кўплаб рақамларни келтириш мумкин.

Вилоят ҳокими У.Яманқулов эса йиғилганларни йиғилишда кўпроқ камчиликлар ҳақида, ҳали бажаришга улгурилмаган ишлар, камчиликларни бартараф этиш хусусида фикр юритишга ундади.

Шундан сўнг вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Мирзабеков қилинган ишлар юзасидан ахборот берди. У ўз сўзида "Ҳамкорлик дастури" асосан беш йўналиш — умумтаълим, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, педагогик кадрларни ижтимоий ҳимоялаш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим жараёнида нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни назарда тутганлигини изоҳлади.

"Ҳамкорлик дастури"нинг амалга ошиши биз истаймизми, йўқми, моддий маблағга бориб тақалади. Жойларда дастурни қўллаб-қувватловчи, уларга маблағни етказиб берувчи туман ҳокимларидир. Бу хусусида Дўстлик тумани ҳокими С.Исмоилов ўз фикрларини қуйидагича баён этди:

— Туманимизда 18 та мактаб бор, уларнинг барчаси сифатли таъмирдан чиқарилди, — деди С.Исмоилов. — Олдин сақич билан қопланган 5 та мактабнинг томи шиферланди. Туманимизда мактабгача таълим муассасаларининг иш тажрибаси кенг оммалашмоқда. Гап шундаки, бизда хонадон боғчалари иши яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳомийлар ҳисобига кам таъминланган оилалар боғча бадалини тўлашдан озод этилган. Ана шу саъй-ҳаракатларимиз ҳисобига болаларни қамраб олиш режаси 42 фоизни ташкил этмоқда. Туманимиз мактаб ўқувчилари "Қувноқ стартлар" телеўйинида республика чемпиони бўлдилар. Бир сўз билан айтганда, ҳамкорлик дастурини амалга ошириш биз ҳокимларнинг доимий диққат эътиборимизда.

Шу ўринда вилоят ҳокими туманда мактаб жамоаларининг қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, буғдойдан олаётган даромадлари билан қизиқди. Мактаб директорлари шартномадан ортиқча бўлган буғдой ҳисобига ярим миллион сўм атрофида фойда қилаётганликларини айтишди.

— Бу жуда кам кўрсаткич, — деди У.Яманқулов. — Мактабни таъмирлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун етарли эмас.

Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир мактаб ўзига тегишли бўлган майдондан оладиган буғдой ҳосилини хўжаликка топширмасдан, даромадни тўлиқ мактабга кирим қилади. Фақат унинг ҳисоб-китоби қатъий йўлга қўйилиб, мақсадли ишлатилишини таъминлаш керак.

Ҳокимнинг бу ташаббуси йиғилганлар томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг Мирзачўл тумани ҳокими Мусо Анорбоев сўзга чиқди.

— Халқ таълимини ривожлантиришга эътибор бермаган раҳбар, раҳбар эмас, — деди маърузачи. — Мен ўқитувчиларни давримизнинг энг меҳнаткаш, фидойи инсонлари, деб биламан. Шу нуқтаи-назардан мактабга ҳар қанча ёрдам, эътибор берилса арзийди. Туманимизда 19 миллат вакиллари яшайди. Улар фарзандларининг ўқиши учун шароитлар етарли. Мактабларни таъмирлаш учун 5 мингта шифер олиб келинди. Аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришга ҳокимлик катта эътибор бермоқда. Фанлар олимпиадасида вилоятда 1-ўринни қўлга киритган ўқувчига 100 минг сўм, 2-ўринга 50 минг сўм, 3-ўринга 30 минг сўм миқдорида мукофот жорий этганмиз.

Ҳайъат йиғилишида ҳамкорлик дастурининг амалга оширилиши юзасидан жойлардаги аҳвол ҳақида туман халқ таълими бўлими мудирларининг ҳисоботи тингланди. Зафаробод туман халқ таълими бўлими мудири Иззатулла Ҳотамов ўқувчиларни ўқув адабиётлари ва дарсликлари билан таъминлаш мақсадида айланма маблағ учун 2 млн. сўм ажратилганлигини маълум қилди. Республика Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев бу рақамга эътироз билдирди. Дарҳақиқат, туманда 11046 нафар бола таълим олаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу маблағ ниҳоятда камлиги сезилади. Агар шу ҳолат давом этадиган бўлса, янги ўқув йилида ўқувчиларни дарслик билан тўла таъминлаш ниҳоятда мушкул аҳволга тушиб қолиши мумкин. И.Ҳотамов туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бу маблағ миқдорини 20 млн. сўмга етказиш чораларини кўришга ваъда берди.

— Сўнгги йилларда халқ таълимига ғамхўрликнинг кучайиши амалий ишларда ўзининг ёрқин ифодасини кўрсатмоқда, — деди Жиззах туман халқ таълими бўлими мудири У.Маҳмудов. — Туманимиз бу йил фанлар олимпиадасида муваффақиятли қатнашди. 20 нафар ўқувчимиз фахрли ўринларни қўлга киритди. Бу ҳам қайсидир маънода ҳамкорлик дастурининг амалий ёрдами деб биламиз. Мактабимизда компьютердан ўқувчиларга сабоқ бериш яхши йўлга қўйилган. Айни кунда мактабимиз халқаро интернет тармоғига уланган. Ўрни келганда шуни айтмоқчиманки, кимё, физика каби аниқ фанлар бўйича мактаблар моддий-техник базаси анча ночор.

Йиғилишда сўзга чиққан республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов ҳамкорлик дастури асосида вилоятда олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилиш мумкинлигини таъкидлади. Шу билан биргаликда ҳали камчиликлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмаслигини билдирди. Хусусан, айрим фанлар бўйича ўтказилган рейтингларда вилоятнинг паст ўринларни эгаллаб турганлиги, мактабларда ўқувчиларнинг давомати пастлиги кечирилмас ҳол бўлиб, уни тугатишга жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Йиғилишда республика Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев иштирок этди ва сўзга чиқди.

А.СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қувасойдаги тадбиркорлик нодавлат ўқув илмий-ишлаб чиқариш Маркази 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, унга нодавлат ўқув юрти мақоми берилди. Марказ иш бошлаган илк даврлардаёқ таълим йўналишларини танлашда асосан кўп қиррали иқтисодий муаммоларни биладиган, бизнес, маркетинг ва микроиқтисодиёт фанлари, ҳамда ҳуқуқ соҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлашга кенгроқ эътибор қаратилди. Чунончи, юриспруденция, хўжалик ва тадбиркорлик ҳуқуқи, бухгалтерлик ҳисоби ва аудит, иқтисодиёт (тармоқлар бўйича), божхона иши, молия йўналишлари бўйича талабаларга таълим берила бошланди.

Ўқиш муддати кундузги бўлимда 4 йил, сиртқи бўлимда эса 5 йил қилиб белгиланди. Айни пайтда марказнинг кундузги ва сиртқи бўлим деканатлари ҳамда 14 та кафедра фаолият кўрсатаётган бўлиб, кундузги бўлимда 470 нафар, сиртқида эса 1250 нафар талаба таҳсил олмоқда. Марказда ўқишни тамомлаган мутахассислар халқ хўжалиги тармоқлари, жумладан саноат, агросаноат ишлаб чиқариш тармоқлари, фермер хўжаликлари, молия бошқармалари, ички ишлар, адлия, суд, прокуратура органларида турли лавозимларда иш олиб боришлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги 344-сонли қарорига асосан, таълим муассасалари учун маҳаллий шароитларга мослаштирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа сифатида белгиланган эди. Қарорнинг ушбу бандига кўра, марказда ҳам мукаммал ишчи ўқув дастурлари ва режалар ишлаб чиқилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурда белгиланган вазифаларнинг энг асосийси, ўқув жараёнини замонавий техник жиҳозлар билан таъминлашдан иборатдир. Ана шу мақсадда Марказга 125 дона IBM русумидаги компьютер техникаси сотиб олиниб, махсус хоналар замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, криминалистика йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун лаборатория хоналари очилиб, керакли асбоб-ускуна ва приборлар билан таъминланди, фотолаборатория иш бошлади. Иккита лингафон хонаси, суд жараёнини кўрсатиш ва уни олиб боришни ўргатиш мақсадида суд зали ҳам ташкил этилди. Барча фанлар бўйича плакатлар, диаграммалар, жадваллар ва бошқа кўргазмали қуроллар тайёрланди. Фан кабинетлари аудио-видео техникалар, кўргазмали материаллар билан жиҳозланиб, айрим фанлар, жумладан, ҳуқуқ, криминалистика йўналишидаги махсус видеофильмлар сотиб олиниб, дарс жараёнида кенг қўлланилмоқда. Бу талабаларни дарс давомида нафақат назарий билимларни эгаллаш, балки амалий иш олиб боришни ўзлаштириши учун ҳам катта ёрдам бермоқда.

Инсон шахсини аниқлаш, фотопортретлар тузиш, бармоқ изларини компьютер орқали экспертиза қилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш мақсадида сўнгги йилларда қатор замонавий техник жиҳозлар, фотороботлар кашф этилди. Марказга ана шу турдаги жиҳозлар ҳам сотиб олиниб, талабаларга у билан ишлаш сирлари чуқур ўргатилмоқда. Марказимизга аудиторлик бўйича Адлия вазирлигининг гувоҳномаси берилган. Унга асосан муайян дастурлар асосида аудитор-мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, аудиторлик хизматларини кўрсатишга ихтисослашган марказ ташкил қилинди. Айни пайтда эса ҳуқуқий маслаҳатлар берувчи марказни ташкил этиш устида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да юридик таълимни такомиллаштириш ўқув жараёнини ислоҳ қилиш, ўқитишнинг илғор воситалари ва усулларидан кенг фойдаланиш, таълимнинг амалиёт билан узвийлигини ошириш талаб этилади. Зеро, юрист нафақат муайян билимлар мажмуига эга бўлиши, балки бу билимларни амалиётда қўллай олиши ҳам зарур. Ўқув жараёнини ташкил этишда ана шу талабларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Чунончи, талабаларга назарий билимларни бериш, амалий машғулотларни олиб бориш, малакавий ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш ишларига адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа амалиётчи мутахассислар жалб этилмоқда. Бу эса таълимнинг ҳаёт билан боғланишини таъминлайди.

Марказнинг илмий-педагогик кадрлар билан таъминланганлик масаласи ҳам ижобий ҳал қилинган. Унда таълимнинг барча йўналишларидаги илмий даражали кадрлар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, таълим жараёнида ўқувчиларни зарур бўлган ўқув, ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирга қадар марказ томонидан турли таълим йўналишлари бўйича 350 номдаги ўқув қўлланмалари тайёрланиб, нашр қилинди. Мазкур ўқув адабиётларини тайёрлашда давлат таълим стандартларининг талаблари тўлиқ ўрганилди. Ўқув қўлланма ва адабиётларини тайёрлашда марказнинг профессор-ўқитувчиларидан ташқари бошқа олий ўқув юртларида фаолият кўрсатувчи олимлар, халқ хўжалигининг турли соҳа вакиллари, адлия, прокуратура, ички ишлар органларида ишлаётган ходимлар, йирик мутахассислардан иборат илмий жамоа жалб этилган.

Таълим сифатини давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш педагогика ва таълим соҳалари бўйича илмий изланишларни такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун ўқитувчилар ва илмий ходимларни аспирантура, докторантура сингари илмий босқичларда таҳсил олишлари учун барча имкониятлар яратилиши лозим. Ҳозирга кунда марказнинг 17 нафар илмий тадқиқотчиси ўз номзодлик диссертацияларини тайёрлаб, уни ҳимоялаш арафасида турибдилар. Шунингдек, талабалар ва ўқитувчиларни илмий тадқиқот ишларига кўпроқ жалб этиш мақсадида ҳар йили профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-амалий конференциялари ўтказилмоқда. Анжуман материаллари эса махсус илмий тўпламлар сифатида мунтазам нашр қилинмоқда.

Йигит-қизларнинг малакали билим олишлари учун марказда етарлича шарт-шароитлар яратилмоқда. Турли тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар ҳисобидан талабаларни бепул овқатлантириш, кам даромадли оила фарзандларини бепул ўқитиш йўлга қўйилган.

Албатта, марказимиз ҳали ёш, уни республикадаги нуфузли, тажрибали ва кекса олий ўқув юртлари билан асло таққослаб бўлмайди. Улар даражасига эришиш учун албатта фурсат керак. Бироқ, марказ раҳбар мутасаддилари ушбу таълим муассасалари билан узвий алоқа боғлаш, таълим-тарбия, илмий ва илмий-услубий салоҳияти ва бой тажрибаларини ўрганиш мақсадида ҳамкорлик ўрнатишни режалаштиришмоқда. Шу билан бирга, турли хорижий илмий марказлар, халқаро таълим ташкилотлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

А. ҒОФУРОВ,
Фарғона Давлат университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси мудири, профессор,
Г. ҲОМИДОВА,
Фарғона Давлат политехника институти профессори

РУҲИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Адабиёт бўйича Давлат таълим стандартларига шарҳда шундай жумла бор: "... кўплаб предметлардан фарқли ўлароқ адабиёт тарбияланувчиларнинг ҳаётига фақат мактабда кириб келмайди ва мактабни тугатгач таъсир кўрсатишини тўхтатиб ҳам қўймайди. Бадиий адабиёт инсон ҳаётига она алласи билан сингади ва яқинларининг йўқлов йиғиси билан сўнгги йўлга кузатиб қўйилгунча унга таъсир кўрсатишда давом этади". Чунончи, яқинда "Маънавият" нашриёти Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида умумий ўрта таълим мактаблари учун босқичма-босқич яратилиб, педагогик амалиётга татбиқ этилаётган дарсликларнинг сўнггиси 9-синф "Адабиёт" (Н.Каримов ва б. Т. 2002 й) дарслигини нашрдан чиқарди. Дарслик ўз бағрига халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, XX аср адабиёти ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара, бадиий баркамол асарларидаги парчаларни жамлаган. Мазкур асарлар инсон ва унинг руҳиятидаги эврилишлар, зиддият ва мураккабликларни акс эттириш, одамни эзгуликка, инсонпарварликка чорлаш, ушбу сифатларни инсонда қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дарвоқе, 9-синф "Адабиёт" дарслигининг яратилиши ва нашри ўзига хос тарзда кечди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фанларнинг деярли барчаси танлов йўли билан чоп этилди. Танлов шартига кўра, дарсликлар ҳажми жаҳон тамойилларига асосланиб, сезиларли даражада қисқартирилди. Танланган бадиий асарларнинг ҳар бири учун аввалги дарсликлардан фарқли ўлароқ мухтасар тарзда илмий-методик мақолалар, таҳлиллар берилди. Чунки бу синф ўқувчилари ёш ва ақлий тараққиётига кўра китобда битилган ҳар қандай фикрга ҳам танқидий қарай олиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўладилар. Муҳими, дарсликлардаги бадиий асарлар матни юзасидан болаларни ҳар бири ўз даражасида фикрлаб, ҳаётий ҳақиқатни асар таҳлили давомида ўзлари кашф этадилар.

Дарсликда бадиий асар қаҳрамонлари ижобий, салбийга ажратилиб, муаллифлар қолипга солинмаган. Бу мумкин ҳам эмас. Зеро, ким учундир ижобий ҳисобланган қаҳрамон ким учундир салбий ҳисобланади (Ҳаётда ҳам шундай).

Янгиланган дарсликлар ўз олдига эркин фикр кишисини тарбиялаш, унинг кўнглини поклаш, инсоний сифатларини такомиллаштириш, одам, инсон сифатидаги даражасини баланд рутбага кўтариш каби мақсадларни қўйган. Кечаги жамиятда тарбияланган ва мутахассис сифатида шаклланган муаллимлар таълим олдида турган мазкур мақсадни амалга оширишда, янги дарсликлар билан ишлашда қийинчиликларга дуч келишлари табиийдир.

Шу жараён назарда тутилган ҳолда дарсликлар билан бир қаторда ўқитувчилар учун "Адабиёт"дан методик қўлланма ҳам яратилди ва чоп этилди. Методик қўлланмада дарсликнинг мазмун-моҳиятини очишга қаратилган мақолалар ва ҳар бир мавзу бўйича адабиёт дарсларини қандай ташкил этиш кераклиги, шунингдек, машғулотларда фойдаланиш мумкин бўлган янги усул ва методлар ҳақида сўз боради. Бундай мувофиқлаштирув ўқитувчи оғирини енгил қилади, дарс ўтишда бир мунча қулайликлар туғдиради.

Дарсликда берилган бадиий асарларнинг тўлиқ ўқиб чиқилишини таъминлаш учун ўқитувчи ўқув йили бошида ўқувчилар билан суҳбат ўтказиб, китобларни қандай ва қачон ўқиш кераклиги бўйича тавсиялар беради, ўзи ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари ўрганиладиган мавзулар, эгалланиши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар, мустақил ва синфдан ташқари ўқиладиган, ёд олинадиган асар бўйича ҳам олдиндан топшириқлар бериб қўяди.

Н.ҒУЛОМОВА,
РТМ бўлим бошлиғи



Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 14-ўрта мактабда таълим олаётган ўқувчилар ёзги таътил давомида ўқиган китобларини мактаб директори Б.Кунназарова билан муҳокама қилиб туришади.

Ш.ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

Tadbir

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич асосий вазифаларидан бири, ўқув-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш"дир. БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ билан Халқ таълими вазирлиги "Бола ҳаётини яхшилаш" дастури, "Билимни мустаҳкамлаш", "Мактаб билими ва муҳити" лойиҳалари асосида "Халқ таълими ходимлари учун Глобал (кенг қамровли) таълим ва ўқитишнинг интерфаол методлари" асосида 2002 йил давомида қатор тренинглар ташкил қилинади.

Тошкент шаҳридаги "Пойтахт" меҳмонхонасида БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ билан Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида "Болалар ҳаётий кўникмаларини тарбиялаш" лойиҳаси асосида республикамиздан таклиф этилган 30 нафар ўқитувчи, методист ва ёшлар билан ишловчи ташкилотлар ходимлари учун навбатдаги тренинг ташкил этилди. Тренингни БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг ушбу йўналишда Қозоғистон ва Урта Осиё давлатлари бўйича тренерлари Иосиф Моддовану ва Василий Ротарулар олиб боришди.

Тренингда республикамиз вилоятларидан таклиф этилган ўқитувчи, методистлар, ёшлар билан ишловчи ташкилотлар ходимлари, Халқаро ташкилотлар томонидан берилган сертификатларга эга бўлган тренерлар ва бўлажак тренерлар (30 - нафар киши) иштирок этиб, ўз билим ва малакаларини оширдилар.

— Ҳозирги кунда, — дейди, тренинг иштирокчиси Дилдора Назарова, — ўқувчиларни ижтимоий қайта тайёрлаш — мактаблар олдида турган асосий масала. Ўқув жараёнида интерфаол методларнинг қўлланилиши мустаҳкам билим бериш билан бир қаторда ижтимоий ҳаётда ўта зарур бўлган хислатлар: эркин фикрлаш, қарорларни мустақил қабул қила олиш, ҳис-ҳаяжонларни бошқара олиш, танқидий ва ижодий тафаккур юритишнинг ривожланишини таъминлашга, мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Яна бир иштирокчи А.Отажонов ёшлар ўртасида кенг тарқалиб бораётган ОИТС, наркотик моддаларга ружу қўйишнинг олдини олиш, ўртоқлари, танишлари томонидан ҳаёт учун хавфли бўлган наркотик моддаларни ташвиқот қилиниши, татиб кўришга ундаш ёки зўравонлик билан зарарли одатларга ўргатиш, тазйиқ ўтказилишига қарши ўзида мустаҳкам ирода, кучқудрат пайдо қила олиш кўникмаларини шакллантириш зарур. "Бола ҳуқуқи тўғриси"даги Конвенцияни ўрганиш, "Ҳаётий кўникмаларни тарбиялаш" ўқув машғулотлари биз учун кўп билимларни бермоқда. Олган билимларимизга маҳаллий урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни қўшиб, ёшларга таълим-тарбия берсак, келажакда етук, баркамол инсонни тарбиялаймиз.

Амалий тренинг ташкилотчиси Республика Таълим марказининг "Услубий таҳлилий ахборот" бўлими бошлиғи Тожимурот Турсунов тренинг ҳақида шундай дейди: Ўтказилган ушбу амалий тренинг интерфаол метод асосида ташкил этилди. Тренер ва иштирокчилар орасида ўзаро ҳамкорлик асосида дарс самарадорлигини оширишга, мустақил фикр бериш кўникмасини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Натижада иштирокчилар қўйилган мақсадга мустақил, фаол қатнашган ҳолда якка тартибда, жуфтликда, гуруҳларда ечим топишга ҳаракат қилишди, ўз-ўзларини баҳолашди, сўзга чиқиб, далил ва асослар орқали мавзуни ёритиб беришди.

Амалий тренингда "Ҳаётий кўникмаларни ўрганиш Концепциясини тушуниш", Қарор қабул қилиш, ўзаро муносабат ўрнатиш, ижодий фикрлаш, ҳис-туйғуларни бошқариш", "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни ўрганиш каби мавзуларда, янги ахборотни ўзлаштиришда, таҳлилий ёндоша олиш имкониятига эга бўлдилар.

Иштирокчилар семинар тренингдан олган билимлари асосида жойларда машғулотлар ўтказиш юзасидан гуруҳларга бўлиниб, ҳаракат дастурини ишлаб чиқдилар ва шу асосда ўз иш фаолиятларини ташкил этишни режалаштирдилар.

Нозимжон ШАРИПОВ,
РТМ "Услубий таҳлилий ахборот" бўлими ходими

МИСРЛИК ЁШЛАР – ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва Миср Араб Республикаси Ёшлар вазирлиги ўртасида имзоланган битимга кўра мисрликлар мамлакратимизга ташриф буюришди.

Миср Араб Республикаси Ёшлар вазирлигининг ходимлари Аҳмад Саид Абдулваҳҳоб Али Ҳасан ва Валид Маҳаммад Абд ал Ол ал Мурси"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида бўлишиб,республикамиз ёшлари етакчилари билан учрашишди. Шунингдек,улар Темурийлар тарихи давлат музейида бўлишиди ва "Бунёдкор ёшлар"телеклубига ташриф буюришди.

Шундан сўнг меҳмонлар Самарқанд шаҳрида бўлишиб,у ердаги тарихий ёдгорликларни томоша қилишди, имом ал Буҳорий мақбараларини зиёрат қилишди.

Мисирлик меҳмонлар Бухорода ҳам бўлишиб, шаҳарнинг диққатигасазовор жойларни томоша қилишди.Тарихий обидалар бўйлаб саёҳат уюштиришди.Вилоятлардаги ёшлар ҳаёти билан танишишди, учрашувлар,суҳбатлар ўтказишди.

"Туркистон-пресс"

Сентябрь ойидан бошлаб баскетбол, мини футбол, волейбол ўйнашга мўлжалланган бу иншоот талабаларга хизмат қила бошлайди.

Тадқиқотим давомида, айниқса, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг "Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари" китобини ўқиб қаттиқ таъсирландим.

ИЖАРА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(20-мақола)

Qonun va fuqaro

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қонунлардан бири — 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган "Ижара тўғрисида"ги қонундир. 32 моддадан иборат бу қонунга кўра, ижара шартнома асосида ерга, бошқа табиий ресурсларга, шунингдек хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун берилади. Бунда — ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш назарда тутилади.

Ижара муносабатлари тўла ихтиёрийликка, тенг ҳуқуқлиликка, шунингдек шартномавийликка асосланади. Яъни, ижара муносабатларининг тарафлари ҳисобланган ижарага берувчи ва олувчи ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни шартномада белгилаб оладилар. Шартномада ижарага берилаётган мол-мулкнинг таркиби, ҳолати ва қиймати, уни ижарага бериш тартиби, муддати, ҳақини тўлаш шартлари, миқдори, ижарачининг мол-мулкдан фойдаланиш шартлари кўрсатилади. Шартноманинг амал қилиши тўхтатилгандан кейин ижарачининг мол-мулкни қандай ҳолатда ва қай тартибда қайтариши, берилган мол-мулкни тиклаш ва таъмирлаш юзасидан томонларнинг мажбурияти, тўла амортизациядан сўнг мол-мулк кимга қарашли бўлиш шартлари, агар ижарага олинган мол-мулк кейинчалик сотиб олиш шарти билан топширилаётган бўлса, уни сотиб олиш шартлари, тартиби ва муддати, ижарага олинган мол-мулкни иккаламчи ижарага бериш шарти, тартиби ва имконияти белгиланади. Ердан ва бошқа табиий ресурслардан ижара асосида фойдаланилаётганда, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш назарда тутилади.

Шартнома ёзма шаклда, икки томонлама ва ҳақ баравариса тузилади ва у муддатли ҳисобланади. Ижара шартномасида мол-мулк асосан эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширилади. Тасарруф этиш ижарага берувчи (мулкдор)да қолади. Яъни, мол-мулкни ижарага бериш ушбу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишини билдирмайди.

Юқорида иккиламчи ижара, дедик. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва бевосита ижара шартномасида бошқача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ижарачи ижарага олинган мол-мулкни (ер ва бошқа табиий ресурслардан ташқари) берувчининг рухсати билан уни иккиламчи ижарага топширишга ҳақлидир. Бунда, барибир, ижарага олувчи шартномага кўра, берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Ижара шартномасидаги энг муҳим бандлардан бири — бу ижара ҳақи. Шартномада томонларнинг ўзаро келишувига биноан, ер ва табиий ресурслар учун ижара ҳақи Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган тартиб ва доирада белгиланади.

Бундан ташқари, қонунда ижарага олинган мулкни сотиб олиш, унинг ҳуқуқий асослари (олди-сотди шартномаси), корхоналарни ижарага беришнинг хусусиятлари, мулкнинг фуқаролар томонидан ижарага олиниш хусусиятлари, жавобгарлик масалалари ҳам нормаланган. Бугунги кундаги энг кўп иқтисодий муносабатлардан бири ижарага берувчи ва олувчилар ўртасида учрайди.

Миродил БАРАТОВ

РАҲИМА ОПАЖИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

Xotira

Устоз деган мўътабар сўз фақат теран ақл, буюк қалб эгаларига нисбатан айтилади. Чунки, ҳақиқий устоз, эндигина ўсиб келаётган ёш ниҳолни уста боғбон каби парвариш қилади. Уни ўзгалар назаридан, кўз илғамас тажовузлардан нафақат ҳимоя қилади, балки унга юксак билим ва тарбия беради.

Ана шундай Устоз деган шарафли номга эга бўлган мўътабар инсонлардан бири — Раҳима Аминова эдилар.

У ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан тарихчи олима. Нафақат мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда, шунингдек, ҳамдўстлик давлатларида ҳам олимани яхши билишар, ҳурмат қилишар эди. У шарқ аёли, яъни ҳақиқий ўзбекона характерни ўзида мужассам этган буюк аллома сифатида эътироф этилади. Олиманинг ишхонасига ёки уйига кириб келган ҳеч бир киши бир пиёла чой ёки бир тўғрам нон тановул қилмасдан чиқмаган. Маслаҳат сўраб, ёрдам излаб келган ҳеч бир зот Раҳима опа олдидан умидсиз қайтмаган.

Раҳима опа Ҳодиевна нафақат шогирдларига илм улашишда, балки уларнинг шахсий ҳаётларига ҳам қизиқар, уларга имкон қадар ёрдам берар эдилар. Айниқса, опа республикамизнинг турли вилоятларидан келган шогирдларига алоҳида эътибор билан қарарди. Чунки, ўз шогирдларининг пойтахтда яшаши, оилавий шароит, илмий иш қилиш жараёнидаги тўсиқлар ҳам у кишининг хаёлларини тарк этмасди.

Раҳима опа илм соҳасида кибру ҳаво, манманликни ҳеч ҳам ёқтирмас, олимлар бундай хислатлардан ҳоли бўлишини хоҳлар, шу тоифадаги кишиларни кўрсалар, "Олим фозил бўлса, олам гуллагани шу, олим жоҳил бўлса, зулмат қоплагани шу" деган гапни кўп айтар эдилар. Бу гапнинг тагида қанчадан-қанча маъно-мазмун мужассамланганини англаш унчалик қийин эмас.

Назаримда, Раҳима опа тимсолида ўзбек аёлининг ҳақиқий қиёфаси намоён эди. Мен, ўзбек аёлининг замонавий қиёфаси оилани улуғ қўрғон деб билган, инсонийликни муқаддас ҳисобланган, жамият ва давлат тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ёшлар тарбиясида фаол иш олиб борган, юксак илм ва заковат эгаси бўлган Раҳима Аминова каби олима аёлларимиз, раҳбар ходимларимиз, меҳнаткаш, меҳрибон Оналаримиз тимсолида намоён бўлишини истар эдим. Ҳар бир нарсанинг узвийлигини таъминловчи ҳалқа мавжуд бўлганидек, илм соҳасига кириб келаётганлар, ҳаётнинг қувончу ташвишларини елкасига олишни, келажакда устозлик мақомига интилган олималар ва олимларимизга бундай кишилар ўрнак бўлиши керак. Улар босиб ўтган йўл, ўсиб келаётган ёшларга сабоқ мактаби бўлсин.

Абдували НОРБОЕВ

ТАРИХ САБОҒИ

Mitti tadqiqot

Юртимизнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак жудаям кўплаб воқеалар билан танишиш мумкин. Тарихий воқеалар, инқироз даври, унинг сабаблари, ҳар хил урушу озодлик ҳаракатлари, халқларнинг азоб чекиши ва бошқалар... Агар буларнинг номларини бирма-бир айтадиган бўлсак ҳар бир инсон бу юришларнинг, инқирозларнинг келиб чиқиш сабабини билгиси ва ўргангиси келади. Бу мисолларимга ўзбек халқига нисбатан советлар томонидан амалга оширилган "қулоқ қилиш сиёсати"ни ҳам айтиш мумкин. Мус-табид тузум бу сиёсатни бошидан охиригача зўравонлик, қийнаш йўли билан амалга оширди. Тарих саҳифаларида эса бу зўравонликлар ёзилмади. "Қулоқлаштириш сиёсати" натижасида қанчадан-қанча ватанпарвар ота-боболаримиз шаҳид кетди. Уларнинг ҳоки бегона юртларда қолиб кетди.

Мактабимизда ташкил этилган "Кичик Академия"да ушбу мавзуда ижодий иш ёзиб, уни "ҳимоя" қилиш учун, ўша даврни чуқурроқ ўрганишни бошладим. Бизни бевосита илмий оталиққа олган ЎзФА Тарих институтига бориб, тегишли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олдим, воқеликни теран тушунишга, мустамлакачиликнинг илдизлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга муваффақ бўлдим. Ҳаттоки улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг, "Обид кетмон" қиссасини топиб, ўқиб чиқдим.

Тадқиқотим давомида, айниқса, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг "Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари" китобини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Ўзга юртларга қулоқ қилинган юртдошларимиз ҳақида, уларнинг аянчли қисматларини ўқий туриб, беихтиёр совет тузумидан янада нафратландим ва шу билан бирга сабр-қаноатли, андишали, ҳар қандай мушкул аҳволда ҳам ер тилини билиб, деҳқончиликдан туз-насибасини топиб, имонини сотмаган ўзбекларимиздан фахрландим. Мен ҳам шу миллат фарзандиман, деб ғурурландим.

Изланиш ҳақида оила аъзоларимга ҳам сўзлаб бердим. Буни қарангки, 77 ёшдан ошган бувим, мен ҳали эшитмаган янгиликни — отамнинг бувалари ҳам қулоқ қилинганлигини айтиб қолди. Дарров қоғоз-қалам олиб уларни тингладим: бувамнинг исм-шарифлари Абдураҳмонов Умарбек Юнус ўғли. Бувамнинг Тошкент шаҳридаги Эски шаҳарда жойлашган Хастимом маҳалласидаги 30 таноб ери ҳамда Яккасарой туманидаги Дамариқ маҳалласидаги кўнчилик корхонаси советлар ихтиёрига олинган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. Умарбек бувам 1928-1930 йиллар орасида Сибирга бадарға қилинган бўлиб, 1935 йилда қулоқликдан озод бўлиб, жонажон юртимизга қайтишга муваффақ бўлган экан. Меҳмон бўлиб қариндошникигами, ўртоғимизникигами борсак, барибир, ўз уйимиздай ҳис қилмаймиз. Ўз уйимизга қайтиб келганимиздан кейин "ўз уйингдан қўймасин" деб қўямиз. Лекин "қулоқлаштириш сиёсати" аждодларимизни йиллар давомида бегона юртларда, азоб-уқубатда яшашга мажбур этган. Қанчадан-қанча кишилар поезд вагонларининг ичида Ватандан йироқда яшашга рози бўлмай жон таслим қилганлар. Ҳайвонлар ва юк ортилган вагонларга қулоқ этилганлар жойлаштирилиб, белгиланган жойга олиб кетилган. Ҳалиги вагон одамларимизнинг ювинадиган, ётадиган, ўтирадиган ва овқатланадиган хонасига ойланган.

Ўз юртидан бадарға этилганлар Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Украинанинг Голопристан, Скадовский, Херсон каби туманларига ёки Сибир, Магадан деб аталган лагерларга жўнатилган. Сталин белгиланган жойга етиб борган "қулоқ"ларнинг гувоҳномасини олиб қўйишни буюрган. Чунки гувоҳномаси бўлган одам бемалол бошқа қишлоққа кетиб қолиши мумкин эди.

Мустабид тузумда бойларни йўқ қилган нарса — пахта контракцияси эди. Ҳар бир деҳқон оиласини боқиш учун ер олиб ишларди. Бу инсон агар мажбуриятидаги ва шартномада белгиланган пахтани топширмаса, пахтанинг қарзи ғаллага қўшиб тўланган. Лекин жуда кўп деҳқонлар бу тўловларни тўлай олмагач, шўролар уларнинг ғалласини зўравонлик билан тортиб олиш йўлига ўтиб олган. Деҳқонларимизнинг бундан норози бўлиб, "қулоқ"ларнинг аризаларини текширадиган бўлинмага ёзган аризалари ҳеч қачон ижобий ҳал қилинмаган.

Бўлаётган ноҳақликларга, тўғридан-тўғри норозилик билдирганлар сўзсиз отиб ташланган. Яна шуни айтиш керакки, бадарға этилганлар ўзи танг аҳволда бўлишига қарамасдан Иккинчи жаҳон урушида иштирок этдилар. Урушдан ғалабага эришилгач эса "қулоқ"ларнинг ҳаёти тинч бўлмади. Аксинча, улар ғалабага ўзининг муносиб ҳисса қўшганлигига қарамасдан "чет эл разведкаси жосуси" сифатида яширинча отиб ташланди.

Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, диёримизда кўплаб ишлар амалга оширилди. Маънавий, маърифий ва бунёдкорлик йўлида ғурур ва ифтихор туйғуларига арзигулик ютуқларга эришдик. Кўплаб чет эл давлатлари билан дўстона, ўзаро тенглик асосида муносабатлар ўрнатилади. Жуда кўплаб ёшларимиз ўзларининг билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида чет элларга бориб, таҳсил олиб келишяпти. Буларнинг ҳаммасига юртимизнинг мустақиллиги сабабчидир.

Яқинда юртимиздан олис Украинага қулоқ қилинган Анатолий Ортиқ ўғли Убайдуллаевлар оиласига хат ёздим: мустабид тузум солган пароканда лик ҳақида, оғир тақдирлар ҳақида гапириб ўтиб, бугунги Мустақиллик азизлигини, оламдан ўтган юртдошларимизнинг орзулари рўёбга чиққанини суюниб ёздим. Уларнинг барини Тошкентга, ота-боболари юртига келишини, мактабимизда меҳмон бўлишларини таклиф этдим.

Изланишим якунида, ўзимга хулосалар қилдим, бир-биримизга яхшилик назари билан қарайлик. Мўминмусулмон ота боболарнинг, момоларнинг авлодлари эканлигимизни ҳеч қачон эсдан чиқармайлик. Маҳалладами, мактабдами, қаерда бўлишдан қатъи назар имонли бўлайлик. Яхшилик уруғини эксаккина яхшилик мевасини оламиз.

Ота-боболаримиз, онахонларимиз орзуларини биз кўряпмиз, бизнинг пок ниятларимиз, эзгу амалларимиз эса албатта келажакда фарзандларимиз ҳаётида ўз аксини намоён этади.

Зулхумор УМАРОВА,
Тошкент шаҳридаги тарих фанига ихтисослашган 216-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Таълим муассасалари ҳаётида яна ўша гавжум ҳолат — ўқув йили бошланишига атиги бир неча кун қолаяпти. 2002-2003 ўқув йили Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги санасига тўғри келаётганлиги билан ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир таълим даргоҳи, одатда янги ўқув йилига икки томонлама тараддуд кўради. Биринчиси, ўқув биносини кўнгилдагидек таъмирдан чиқариш бўлса, иккинчиси, таълим мазмуни билан боғлиқ бўлган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа зарурий воситаларни тайёрлаш жараёнидир. Икки ёқлама тайёргарликнг боришини билиш мақсадида мухбиримиз Тошкентдаги иккита олий таълим муассасасида бўлиб, бевосита ана шу масала билан шуғулланаётган мутасадди шахслар билан суҳбатлашди.

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲОЗИРЛИК

Пухта бўлса, ўқув йили муваффақиятли ўтади

Oliy o'quv yurtlarida

МОДДИЙ БАЗАДА ГАП КЎП

Давлатбек Ҳожибергенов, Тошкент Давлат авиация институтининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректори:

— Сирти ҳам, ичи ҳам ҳавас қилса арзигулик бинода юрган кишининг баҳри дили очилади. Албатта, минглаб талабалар кунига қатнайдиган институт биносининг рисоладагидек таъмирдан чиқарилиши, безатилиши уларнинг илм олишга бўлган иштиёқларини яна ҳам кучайтиради.

Бир ўқув йилининг тугаб, иккинчисига уланиш даврида уч ой муддат бор. Агар институтларда давлат имтиҳонлари, диплом ҳимоялари ҳам давом этишини назарда тутадиган бўлсак, икки ойлик фурсат қолади. Ана шу фурсат мобайнида ўқув аудиториялари, ётоқхона, спорт иншоотларини тартибга келтиришимиз керак. Институтимизда бир йилга капитал ва жорий ремонт ишларига 70 миллион сўм маблағ ажратилади. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 55-60 млн. сўм маблағ деярли ўзлаштирилди.

Институтдаги таъмирлаш ишлари ўз қурилиш бригадамиз томонидан амалга оширилади. Бу бригада 15 кишидан иборат бўлиб, унинг таркибида малакали қурувчилар, дурадгор ва чилангарлар бор. Бу эса ташқаридан жалб қилинадиган ишчи кучига нисбатан арзон тушади.

Ўқув биноларимиз етарли бўлмаганлиги сабабли, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уйда жойлашган "Ўзкимёсаноат"га қарашли идоранинг 4 та қавати ихтиёримизга берилди. Уни февраль ойидаёқ, ўқув жараёнини тўхтатмаган ҳолда таъмирдан чиқаришга киришган эдик ва бу иш айни пайтда ниҳоясига етай деб қолди. Бундан ташқари, Усмон Юсупов кўчасида жойлашган ўқув биносининг томини қишки мавсумга пухта созлаш кўзда тутилган. Бу бинонинг шиферини қайтадан очиб ёпишимиз керак.

Институт ихтиёрида битта ётоқхона бор, лекин бу турар-жойга талабгор талабалар эҳтиёжини тўлиқ қоплай олмайди. 9 қаватли ётоқхона олдида 200 квадрат-метр майдонлик ёзги спорт базаси қурилмоқда. Сентябрь ойидан бошлаб баскетбол, мини футбол, волейбол ўйнашга мўлжалланган бу иншоот талабаларга хизмат қила бошлайди.

Биласизки, кўп қаватли биноларнинг юқори қисмига қувурлар орқали сув чиқариш анча қийин. 67-ётоқхонамиз ҳам шу муаммога дуч келарди. Энди эса юқори қаватларни ҳам сув билан нормал таъминлайдиган насос ўрнатдик ва ётоқхонада аввало шу ерни кўздан кечирадилар. Коридор ва фойелар, стенд ва шиорлар чиройли безатилмоқда. Ҳозирги вақтда барча олий таълим муассасалари замонавий технологиялардан фойдаланмоқда. Масофавий таълимни йўлга қўйиш мақсадида махсус ўқув хонасини очганимизга анча бўлди. 10 та сўнгги русумдаги компьютер орқали талаба ва профессор ўқитувчилар дунёга чиқишлари мумкин.

Ўқув жиҳозлари ҳам таълим жараёнини моддий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Шу мақсадда юмшоқ ва қаттиқ мебеллардан бир талайини келтирдик. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай таълим муассасасининг муваффақияти моддий базанинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Гарчанд моддий базамизни анчайин мустаҳкамлашга эришган бўлсак-да, етишмовчиликлар ҳам учраб туради. Аммо мавруди келиб, ўйлайманки, улар ҳам ўз ечимини топади.

ТАЪЛИМИЙ МАЗМУН — БИРЛАМЧИ

Саодат Умарова, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ўқув бўлимининг бошлиғи:

— Институтимизда янги ўқув йилига таълимий жиҳатдан тайёргарлик кўриш диққат марказимиздаги асосий масаладир. Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган намунавий ўқув режа ва дастурлари асосида талабаларга билим ва малака беришимиз керак. Бакалаврликнинг 8 та, магистратурани 12 та таълим йўналишларига мўлжалланган ишчи ўқув режа ва дастурлари институт илмий кенгашида кўриб чиқилади ва шунда айрим қўшимчалар, ўзгартишлар киритилган ҳолда тасдиқланади.

Дарс ва машғулотлар институтимизда икки сменада олиб борилади. Бунга кўра, ҳафталик ўқув режаси 36 соатга мўлжалланган. Профессор-ўқитувчиларнинг дарс юкламалари ҳам шунга яраша белгилаб чиқилмоқда. Илмий даража ва педагогик стажи ҳисобга олинган ҳолда уларнинг дарс юкламалари амалдаги нормативларга кўра, бир ўқув йилига 600-800 соат миқдорида белгиланади.

Бакалаврликда 280 га яқин фанлар ўқитилади. Магистратурадаги мутахассислик фанлари эса 12 та. Бу фанларнинг курслар бўйича тақсимланиши ва талабаларнинг имтиҳон, синовлардан ўтказилиши ҳам ўқув йили бошланмасдан аввал кўриб чиқилади, шундан сўнгтина дарс жадвалига киритилади.

Таълим жараёнининг мазмунли кечишини дарслик ва ўқув қўлланмалари белгилайди. Институтимиз профессор-ўқитувчилари шартнома асосида 63 та дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга киришган эдилар. Аммо бу тезликда ва осонликча битадиган иш эмас. Битта дарслик ёки қўлланманинг юзага келиши нафақат ақлий ва илмий салоҳиятни талаб қилади, балки уни чоп қилишда учрайдиган муаммолардан ҳам мустасно эмас. 12 та дарсликнинг чоп қилинганлиги, 8 та ўқув қўлланмасининг нашриётга топширилганлиги шундан далолат беради. Бакалаврлар учун мўлжалланган "Араб тилидан қўлланма" "Основы международных валютно — кредитных отношениях", "Ҳозирги замон хитой тили грамматикаси", "Адабий манбашунослик ва матншунослик" магистратура учун дарсликлари бир мунча сифатли нашрдан чиққанлиги билан талабалар эътиборини тортади ва уларга зарурий билимларни беради.

Янги 2002-2003 ўқув йили учун институтимизга 525 нафар талаба қабул қилинди. Улар ҳали биздаги ўқув жараёни билан таниш эмас. Факультет ва кафедралар уларнинг танлаган ихтисосликларини мукаммал эгаллашларига ёрдам беради. Мақсад, биринчи курсдан то тўртинчи курсгача бўлган даврда ҳар бир талабани шарқшунослик илмининг энг нозик қирраларидан ҳам нафақат хабардор қилиш, балки буни эгаллашларига ҳар томонлама замин яратишдан иборат.

Деканлар, кафедра мудирлари, ўқитувчи-профессорлар ўз меҳнат таътилларини тугатиб, яна ўз қадрдон даргоҳларига қайтмоқдалар. Зеро, аудиторияларда илмга ташна ёшлар уларни кутаётганлиги савоб ва эзгу амаллардан далолат бериб турибди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА
ёзиб олди

ЎКСИБ ТУРИШ ЯРАШМАЙДИ СЕНГА, БОЛАЖОН

Maxsus maktabgacha ta'lim muassasalarida

Ҳозир биз нафас олаётган, сув ичаётган умуман қувноқ яшаётган Ер шари сайёралар ичида энг яхшиси экан. Чунки, бу ерда сизга ўхшаган болажонлардан жуда кўп ва уларнинг ҳаммаси чиройли, мулойим гапиришади ва одоб билан муомала қилишади. Биз ҳам улардан ҳеча-ам кам бўлмаслик учун машғулотимизни бошлаймиз. Болажонлар, агар ҳар бир ҳаракатни сидқидилдан бажарсангиз бугуннинг ўзидаёқ кўплаб сўзларнинг тўғри талаффуз қилинишини билиб оласиз. Қани, бошладик.

Мен ҳали айтиб ўтган Ер шарининг марказида бир сирли уйча жойлашган экан. Бу уйчада ҳамма нарсага қодир ғаройиб тилча яшаркан. Бу тилчани 32 қоровул қўриқлагани учун у зерикканидан уйча деворларини тепибди (болалар оғизларини юмган ҳолда тилларини ҳаракатлантиради). Тепавериб-тепавериб қулоғини "том" қилган бу шўх тилчани охири соқчилар қўйиб юборишибди. Тилча ёруғ оламга чиққанидан хурсанд бўлиб қуёшга керилиб қарабди (болалар тилларини тепага кўтарганича, ҳаракатлантиришади). Кейин уйнинг атрофида мазза қилиб сакраб-сакраб "Қуёнча" ўйинини ўйнабди (тиллар ҳар бир жумлага мос ҳаракатлантирилади). Тиниб-тинчимас тилча бу ўйиндан ҳам зерикиб, копток ўйнашни хоҳлаб қолибди. У югуриб уйчасига кириб коптогини олиб чиқибди...

Қия очиқ эшик ортидан кузатганим (болалар диққатининг чалғимаслик учун) ушбу машғулотнинг бошланиши логопед гуруҳидаги сабоқлардан эканлигини аллақачон англаб етгандирсиз.

Ҳа, албатта, махсус мактабгача таълим муассасаларидаги машғулотлар, бошқа турдаги мактабгача таълим муассасаларидан фарқланади. Ва айтиш ҳам керакки, нуқсонли болалар билан ишлашнинг ўзига хос қийинчиликли жиҳатлари ҳам бор. Бунга Янгиқўрғон туманидаги 16-"Ғунча" махсус мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишганимизда яна бир бор амин бўлдик.

Юқорида келтириб ўтганимиз машғулотга тайёрлов жараёни бўлаётган ўрта логопед гуруҳида 14 нафар болажон тарбияланар экан. Худди шундай катта ва кичик логогуруҳлардаги ҳаммаси бўлиб 41 нафар "тили чучук" болаларни равон гапиришга ўргатиш учун машғулотлар изчил, мутахассислар маслаҳатига таянган ҳолда олиб борилаяпти. Хусусан, сўрғичлар орқали ойнага қараб ҳаракатлантириладиган тил йўналиши машқлари ҳар куни 2 мартадан ўтказилади. Шу меҳнатлар натижаси ўлароқ логогуруҳ тарбияланувчиларининг деярли барчаси ташхислардан яхши ўтишгач, соғлом ўртоқлари билан бирга мактаб партасида ўтиришиб билим олишади. Айнан шу логогуруҳнинг жиккаккина болакайи Элбекжоннинг "Бўғирсоқ" эртагини тутилмасдан, оҳангли қилиб айтиб бериши нафақат бизни, балки тарбиячиси Наргиза Мадраҳимовани ҳам завқлантирди.

Яна ушбу муассасада тарбияланаётган ақлан заиф ва жисмонан ривожланишида камчилиги бўлган 8 нафар болаларга ҳам ривожлантирувчи машғулотлар ўтилиб, самараси кўзга кўринарли бўлаяпти. Олайлик логоневроз ташхиси қўйилган Ўринбой боғчага келганида буйруқларни бажармас, сўзлар талаффузини ички тарзда чиқарар эди. Эндиликда эса у эртакларни жим тинглайди, "Болажон", "Қўзичоқ", "Ўзбекистон" шеърларини тушунарли тарзда айтади. Эътиборлиси, ушбу гуруҳ болалари ҳафта мобайнида боғчада қолади. Тунги навбатдаги меҳрибон энагалар кўзлари жовдираб турган бу болаларнинг билиб-билмай қилган шўхлигу, инжиқликларини "кўтариб", меҳр улашишади. Боғча билан хайрлашиш арафасидаги болалар Косонсой туманида жойлашган махсус мактаб-интернатига юборилади.

Шунингдек, боғчанинг билимдонлари сафини банд қилган заиф кўрувчилар гуруҳида мусиқа машғулотлари ўтилаётганининг устидан чиқдик. Улар қалбида қўшиқ ва куй билан ёруғлик уйғота олган мусиқа раҳбари Фарҳод Эргашев бу гал ҳам янги қўшиқ — "Мустақил юрт масканим"ни ўргатаётган экан.

"Салламно"ни қойилмақом қилиб айтиб берган жарангдор овозли Раҳимжонга саҳнада қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини тушунтира туриб мусиқа раҳбари шундай дейди; — Саҳнада ҳеч қачон қисиниб турманг. Бошқа болалар кўз қараши билан томошабинларни жалб қилса, сиз ўткир овозу, салобатли маданиятингиз билан даврани ром қилинг.

Мухбир опа, бу йил Раҳимжон кичкинтойлар қўшиқ байрамида вилоят босқичига йўлланма олган. Энди шу босқичдан ҳам муваффақиятли ўтиб, ниятимиз катта саҳналарга чиқиш. Мен уларнинг ҳар бирининг бошини силаб, кўнглини куй билан тоғдек кўтаришга ҳаракат қиламан-ки, бор истеъдодлари яширин ҳолича қолиб кетмасин деб.

Ҳақиқатан ҳам "Ғунча"даги 69 нафар болажоннинг барчасида ўзига хос жиҳат мужассам. Ва албатта уларнинг ҳам бошқа кичкинтойлар каби болаликни мазмунли ва шодон ўтказишга тўлақонли ҳақлари бор.

Зеро, махсус мактабгача таълим муассасаларида жон куйдириб фақат ўзини эмас ўзгаларни ҳам ўйлаб иш кўрадиган тарбиячилар бор экан, ҳеч бир боланинг болалиги зое ўтмайди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ибодийнинг "Туркистон аҳли нима учун инқирозга юз тутдилар?" номли мақоласи босилиб чиқиб, унда муаллиф асосий эътиборни мактаб, мадрасалар ва дарсликларнинг ислоҳотига қаратиш зарурлигини таъкидлайди.

Албатта, юқоридаги матнни шеър деб бўлмайди. У мутлақо бадиийликдан йироқ. Шу боис, қўшиқ мусиқа басталаниб, унга мос равишда йўл-йўлакай айтиб кетилган оддий гапларга ўхшаб кетади.

31 avgust — Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni

ЭЗГУЛИККА ЖОНФИДО ИНСОН

Истиқлол шарофати билан халқимиз чексиз ғамхўрликлар кўрмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 12 майда эълон қилинган фармойиши ана шу ғамхўрликларнинг яққол кўриниши бўлиб у "шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини адабийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини чуқур ўрганишга кенг йўл очиб берди.

Бутун умрини, куч ва қобилиятини миллат равнақи, унинг нурли истиқболи йўлида бахшида этган инсонлардан бири халқ маорифи жонкуяри, қатағон йиллари қурбони Абдулваҳоб Ибодийдир.

Абдулваҳоб Ибодий Ўзбекистонда халқ маорифини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, кўплаб таниқли зиёлиларни тарбиялаб вояга етказган инсон. У гўзал Фарғона водийсининг сўлим шаҳарларидан бўлган Қўқонда 1877 йилда косиб оиласида таваллуд топган. Дастлабки маълумотини онаси Робия отин қўлида олган. Робия отин ўз даврининг анча илмли, зукко аёлларидан бўлган. Ўғли Абдулваҳобнинг илмли, билимли бўлишига ҳаракат қилган. Ўсиб-улғайиб, маҳалла мактабида таълим олган.

Абдулваҳоб Ибодийнинг катта ўғли Абдулҳайнинг хотирлашича, Абдулваҳоб домла Алишер Навоий, Абдурраҳмон Жомий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хазиний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ мутафаккир ва олимларнинг, Муқимий ва Фурқат сингари замондош адибларнинг асарларини севиб мутолаа қилган. Турли луғат китоблар, энциклопедия, тилшуносликка оид илмий асарларни ўқиб ўрганган. Араб тили ва унинг грамматикасини ўз имконияти ҳажмида билганлиги туфайли, унинг оғзаки ва ёзма нутқи анчагина равон бўлиб, қарор, ариза сингари ёзма ҳужжатларни яхши таҳрир қила олган.

Абдулваҳоб Ибодий Мулла Шоазим (Нўғай домла) мактабини тамомлаб, Сўфи Бадал эшоннинг ташқари ҳовлисида янги усул мактабини очади. Сўфи Бадал эшоннинг Галабаққоллик маҳалласидаги укаси Орифхон эшон ҳам янги усул мактабини қўллаб-қувватлаб, ўз хонақоҳида жой ажратиб берган, кейинроқ эса алоҳида бино билан таъминлаган. Бу мактабга ҳар йили Қўқон аҳли меҳнаткашларининг 100 нафардан ортиқ фарзандларини жалб қилади ва уларга таълим-тарбия бериб хат саводини чиқаради.

Бу янги усулдаги мактабда мусулмончиликка доир илмлардан ташқари, фаройиз — ҳисоб, ҳандаса — ер ўлчаш (геометрия), жўғрофия — хариталарни кўрсатиш каби фанлар ўқитилар эди. Ҳар ўқув йилининг охирида ўқувчилар билан имтиҳон ўтказилар, унга Қўқоннинг мударрису уламолари, болаларнинг ота-оналари таклиф қилинар эди. Орифхон эшон бу мактаб болаларининг ҳар томонлама билим олаётганлигини намуна қилиб кўрсатарди.

Абдулваҳоб домла мактабда болаларни ўқитиш билан бирга, уларнинг маънавий-ижтимоий тарбияларига ҳам эътибор берган.

Ўша даврда бир қатор маърифатпарвар ва миллатпарвар ёшларнинг қўқонлик Солижонбой 1914 йилда мусулмончиликнинг 5 фарздан бирини адо этиш учун муборак ҳаж сафарига жўнатади. Булар ичида Абдулваҳоб домла ҳам бор эди. У йўл-йўлакай қўшни шарқ мамлакатлари маориф тизими билан яқиндан танишади ва олган тажрибалари асосида 1-сонли намуна мактабини ташкил этади. Бу янги усул мактабини "Урфон" номи билан атай бошладилар. 1919 йилда округ халқ маорифи шўъбасининг қарорига биноан "Урфон" мактаби Биринчи намуна мактаб-интернатига айлантирилади ва Абдулваҳоб домла унга мудир ҳамда етакчи ўқитувчи қилиб тайинланади.

Болаларга Шерали Рўзиев, Маматқул Холдоров, Шонатдан Қодир-Мели Алиев, Мутаваккил Бурҳонов, Муталиб Ҳакимов, Ҳабиб Ҳамдамов, Али Муҳсимов, Теша Ҳаким, Восиқ Рашид, Усмон Носир, Иброҳим Назир, Абдулла Шокир, Сиддиқ Салим, Ғофир Қодирий, Раҳмон Усмонов, Раҳим Усмонов, Олим Усмонов, Қурбон Назаров, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Аҳмад каби талабалар таълим ва тарбия олиб чиқиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўқитувчи, агроном, врач, олим, ёзувчи, мухбир, артист, режиссёр бўлиб хизмат қилишган.

Абдулваҳоб Ибодий 1930 йилдан 1937 йилгача ўзи дастлаб ташкил этган 1-болалар уйида мудир бўлиб ишлаб, у ерда этикдўзлик, дурадгорлик ва тикувчилик устахоналари, ёш мухбирлар, шахмат, миллий мусиқа ва драма тўгараклари, паррандачилик ва пиллачилик хўжаликлари ташкил этиб, уларни раҳбар инструкторлар билан таъминлаган. Бу ерда тарбияланувчи болалар 14-16 ёшда бўлиб, 7 йиллик ва 10 йиллик таълим олардилар, ҳатто техникумларга ҳам шу болалар уйидан йўлланма билан юборилар эди.

Абдулваҳоб Ибодий мактаб болаларини ўқитиш билан ўқувчилари учун усули савтия алифбо дарслиги вазифасини ўтаган. Дарсликда ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг талаффузи ва имлоси, рақамлар, оғирлик ўлчовлари, рўзғор асбоблари, либослар, дарахтлар, ҳайвонлар, шаҳарларнинг номлари, сўзлар, қўшимча сўзлар, ибратли ҳикоялар, болаларга одобахлоқ ҳақида насиҳатлар қамраб олинган.

Диний тарбияга оид "Эътиқодоти Исломия" дидактик асарида эса диний тартиб-қоидалар ҳақида тушунча берилади.

Бизга маълум архив маълумотларига кўра, Фарғона водийсидаги усули савтия мактабларида Абдулваҳоб Ибодий домла томонидан тузилган дарсликлардан фойдаланилган. Бу дарслик ва қўлланмалар ҳозир Ўзбекистон Давлат архивида, Қўқон ўлкани ўрганиш музейининг тарих бўлими, адабиёт музейи ва Ҳамза уй-музейлари архивларида сақланмоқда.

1914-1915 йилларда чоп этилган "Садои Фарғона" газетасида Абдулваҳоб домланинг бир неча мақолалари босилиб чиққан ва айни пайтда бу зукко зиёли мазкур нашрнинг ташкилотчиларидан бири бўлган.

Газетанинг 1914 йил 20 апрелдаги 6-сонида Абдулваҳоб Ибодийнинг "Туркистон аҳли нима учун инқирозга юз тутдилар?" номли мақоласи босилиб чиқиб, унда муаллиф асосий эътиборни мактаб, мадрасалар ва дарсликларнинг ислоҳотига қаратиш зарурлигини таъкидлайди.

Шу билан бирга, ривожланган халқларнинг илм-фан соҳасидаги ютуқларидан фойдаланиб, маърифат масканларимизда таълим-тарбия ишларини олиб бориш кераклигини уқтиради. Абдулваҳоб домла тараққиётга эришган миллатларнинг ривожланиб бориш сабабларидан бири, уларнинг ислом дунёси олимларининг асарларидан фойдаланганликлари, ундаги илмларни ҳаётга татбиқ этганликларида деб тушунади. Илм-фан, техника ютуқлари ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этиш фикрига қарши чиқанларга жавобан, бу илмлар дастлаб асли ислом дунёсида шаклланганлигини тушунтиради.

Чор мустамлакаси даврида бу фикрни айтиш, айниқса мазлум халқ вакили томонидан очиқ баён этиш, албатта, катта жасорат эди.

Абдулваҳоб Ибодий бу мақоласида Туркистон аҳли бошига ёғган бу балолардан қутулишнинг самарали йўли маорифни ислоҳ қилиш, таълим-тарбия ишларига асосий эътиборни қаратиш, талабаларни тараққийпарвар хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, ҳимматли бойларнинг ёрдами билан мактаб биноларини замонавий ҳолга келтириш зарурлигини, ана шундагина Туркистон халқи тез фурсатда илм-маърифатли бўлишларини таъкидлаб ўтади.

1935-1936 йилларда маҳаллий матбуотда чоп этилган мақолаларда қайд қилиниши-ча, Абдулваҳоб домла маориф соҳасидаги жонкуярликлари, болаларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашдек саодатли ишлари учун бир неча бор Қўқон шаҳар маориф шўъбасининг ташаккури, Фахрий ёрлиғи ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилган.

Аммо 1937 йилнинг суронли кунлари Абдулваҳоб Ибодийнинг жўшқин фаолиятига кескин якун ясайди. Абдулваҳоб домла "халқ душмани" тамғаси остида 1937 йил 16 сентябрда ҳибсга олинади...

...Йиллар ўтди. Абдулваҳоб домланинг ўртанча фарзанди Набижон (асли Абдунаби) Ваҳобовнинг кўп йиллик саъй-ҳаракатлари натижасида 1957 йили Абдулваҳоб Ибодийнинг номи оқланди. Қўқон шаҳар халқ депутатлари ижроия қўмитаси номидан Абдунаби Ваҳобов ва Солиҳа Ваҳобоваларга Қўқондаги собиқ 2-болалар уйи (ҳозирги 12-Меҳрибонлик уйи) ҳамда шаҳардаги Косонсой кўчасига Абдулваҳоб Ибодий номи берилганлиги ҳақида телеграмма юборилди.

Абдулваҳоб домланинг порлоқ хотираси 50-йилларда бир неча ёзувчи ва журналистларимизнинг диққатини жалб этган. Улар ўз мақолалари орқали Абдулваҳоб домла ҳаёти ва фаолиятини ёритишга ҳаракат қилдилар. 60-йилларда ёзувчи Адҳам Раҳмат ўзининг "Биринчи мактаб-интернатлар" мақоласида Абдулваҳоб Ибодий томонидан Қўқон шаҳрида илк бор болалар мактаб-интернатининг ташкил этилганлигини, унинг фаолияти, унда тарбияланиб вояга етган бўлғуси олимлар ҳақида ёзди.

80-йиллардан бошлаб, аспирант Гулшан Раимованинг "Маърифат фидойиси", журналист Адҳам Олимовнинг "Ноёб сурат тарихи", тарихчи Баҳром Мирзабоевнинг "Ҳамзанинг танилмаган устозлари", журналист Ислом Усмоновнинг "Қисмат", "Зиёкор қисмати", америкалик журналист Эдварт А.Аллвортнинг "Жадидлар ҳақида яширилган ҳикоялар", журналистлар Акромжон Қодиров ва Қурбоной Султоноваларнинг "Қатағон йиллари қурбонлари" рукни остида "Ҳибсдаги қаҳрамон" мақолалари бирин-кетин чоп этилди. 1992 йил 7 октябрда Қўқон шаҳар ҳокимияти иштирокида Шайхон қабристонида Абдулваҳоб Ибодийга рамзий қабр ўрнатилиши муносабати билан хотира тадбири ўтказилди.

Буларнинг барчасида Абдулваҳоб Ибодийнинг ҳибсга олингунга қадар бўлган фаолиятидан ҳикоя қилинади.

Бутун умрини маориф равнақига бағишлаган, зукко зиёкор шогирдлар етиштирган Абдулваҳоб домладан Аб-дулҳай, Солиҳа, Абдунаби, Ойшахон ва камина Азизахон исмли 5 фарзанд қолди.

"Отамиз табиатан қаттиққўл ва нафақат бизга — болаларига, ҳатто ўзига ҳам, жуда талабчан одам эдилар", — деб хотирлайди ўртанча ўғил Абдунаби Ваҳобов. Интизомсизликни, совуққонликни ва муҳими, менинг назаримда, ландовурлик ва лоқайдликни ёқтирмас, унга йўл қўймасдилар, камтарликни рағбатлантирардилар. Болаларни ҳам шу руҳда тарбиялашга ҳаракат қилар ва бундай талабларни оила аъзоларига нисбатан ҳам қўллар эди.

Фарзандларига ғамхўрлик қилар, уларнинг ўқишларидан хабардор бўлиб турар ва барчамизга турмушда ҳам, ўқишда ҳам кўмаклашар эдилар".

Абдулваҳоб Ибодийнинг муборак номини унинг талабалари — бўлажак олимлар, ёзувчилар ва Ўзбекистоннинг таниқли фан арбоблари академик Мамажон Ўрозбоев, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, шоир Собир Абдулла, академик Убай Орифий ва бошқалар чуқур миннатдорлик туйғулари билан хотирлайдилар.

"Мен Абдулваҳоб домла тарбиясида бошланғич таълимни тамомлаганимдан сўнг, ўқишни давом эттириш учун Самарқандга йўлланма олдим. Бу йўлланмани Абдулваҳоб домла ўз қўли билан ёзиб, имзо чекиб берди. Менга йўл-йўриқлар кўрсатди. Мен ўз устозимни ҳеч қачон унутмайман", — деб хотирлайди собиқ тарбияланувчи Аъзамхон Яхёев.

Аъзамхон Яхёев узоқ йиллар давомида Қўқон автомобиль йўллари техникумида директорлик лавозимида ишлади. У ерда қанча-қанча ёшлар касб-ҳунар ўрганиб, элимизга, юртимизга хизматга отландилар.

Абдулваҳоб домла ўқитиб, тарбиялаган Иброҳимжон Турсунов ҳам кўп йиллар Қўқон шаҳар Охунбобоев номидаги тикувчилик фабрикасида ишчилар жамоасини бошқарган.

Нўъмонхон Раҳимов ҳам болалар уйида Абдулваҳоб домладан таълим-тарбия олиб, узоқ йиллар эл-юртга сидқидилдан хизмат қилган.

Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Бу инсонларнинг барчаси ҳозирги кунда ўз ҳалол хизматлари эвазига нафақа олиб, кексалик гаштини сурмоқдалар. Устозлари Абдулваҳоб Ибодийнинг руҳига дуо ўқиб, унинг муборак номини эъзоз билан тилга оладилар.

Бу йил Абдулваҳоб Ибодийнинг таваллуд топганига 125 йил тўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан яқин тарихда ўтмишда ноҳақ қурбон бўлганлар руҳини ёд этиш, уларнинг буюк номларини тарих саҳифаларида абадий сақланиб қолиши учун кўпгина чора-тадбирларни кўрмоқда. Икки йил аввал Тошкентнинг Юнусобод туманида Президентимизнинг ташаббуси билан "Шаҳидлар хотираси" хиёбони бунёд этилган бўлса, шу кунларда ана шу хиёбоннинг ўртасида шаҳид бўлган зиёлилар ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи музей қад кўтармоқда. Бу музей минглаб шаҳид бўлган юртдошларимизнинг муборак номларини XXI асрга олиб ўтишда мустаҳкам кўприк бўлади ва уларнинг хотираларини ёд этадиган муқаддас жой бўлиб қолади. Абдулваҳоб домла Ибодийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотларнинг бу музейдан ўрин олиши унинг хотирасини ёдлаш кунига муносиб тухфадир.

Азизахон ИБОДИЕВА

Сўзда сеҳр бор – шеърда ҳикмат

Ҳадисдан.

Яхши қўшиқ яратиш учун, албатда яхши шеър керак. Яхши шеър ҳам, яхши қўшиқ ҳам тингловчига ором беради. "Ўртар", "О муҳаббат", "Ўн саккизга кирмаган ким бор", "Ёр-ёр", "Биринчи Муҳаббатим" каби қўшиқлар... Булар шеър тарзида ҳам кишини тўлқинлантира олади.

Аммо бугунги кунда учраётган, баъзи шеър ва қўшиқлар шеърхоннинг ҳам тингловчининг ҳам энсасини қотиради. Бунга нима сабаб? Мазмунан саёз шеърларнинг ёзилиши ва унинг қўшиққа солиниши эмасми?

Ҳар бир соҳада бўлгани каби адабиётда ва санъатда ҳам профессионализмга эришиш, бу каби камчиликларни бартараф этишда асосий омил ҳисобланади. Бир қарашда кўнгилнинг ишидек туюладиган шеър ёки қўшиқ матбуотда ва радио, телевиденеда эълон қилинса халқ мулкига айланади. Демакки, улар шунга яраша салмоққа, мазмун-моҳиятга эга бўлмоғи керак. Айнан шу мақсадда муаммо кўтарилган қуйидаги мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

Санъат, жумладан, қўшиқчилик санъати инсоннинг маънавий оламини бойитиб, руҳиятига кўтаринкилик бахш этади. Шу боис, қўшиқ ва унинг беқиёс кучи инсониятни,айниқса, ўсиб келаётган ёш навниҳолларни тарбияловчи омил деб эътироф этилади. Ҳаётимизни ажиб қўшиқларсиз, бетакрор мусиқаларсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, ҳориганимизда ҳордиқ берадиган, тушкунликка юз тутганимизда кайфиятимизни кўтарадиган, қўяверингки, ғаму ташвишларимизга шерик, дардимизга малҳам бўладиган ҳам шу қўшиқдир.

Халқимизда: "Озгинаю созгина", — деган нақл бор. Ҳамма даврда ҳам нимаики камчил бўлса, шунча қадрли ҳисобланган. Кейинги пайтларда шоир кўпайиб кетди. Бир томондан, буни шеъриятимизнинг юксалиши деб ҳисоблаш ҳам мумкин.

Ҳозир барча китоб магазинларию газета дўконларида шеърий тўпламларга кўзингиз тушади. Аксариятида мавзу бир хилдек. Севги-муҳаббат ёки шунга ўхшаш саёз мавзулар. Яна бир ғалати тарафи бор: шеърий тўплам муаллифларининг катта қисми — қизлар. Бугун шеъриятимизга қизларнинг дадил кириб келаётгани қувонарли, албатта. Лекин танқидчилик улар ижодини деярли таҳлил қилаётгани йўқ. Бунинг сабаби икки хил бўлиши мумкин: биринчиси — бу шеърларнинг жуда кўпайиб кетганлиги, иккинчиси — баъзиларининг танқид қилишга арзимаслиги. Матбуотда шоираларимизнинг ҳали севги-муҳаббат моҳиятига етиб-етмай шеър битишавериши айтиб, кўрсатиб турилса, бунинг олди олинган бўлармиди...

Қизларимизнинг севги-муҳаббат ҳақида бунчалар ошкор гапиришлари миллий одобимизга тўғри келармикан?

Бу ҳақда ёзувчи Маягўзал Чориеванинг фикрини билдик:

— Жуда кўп ёш қизларимиз муҳаббат ҳақида шеърлар ёзиб, эълон қиляпти. Қандай мавзуда бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай шеърда арзигулик муайян ва кўзланган мақсад бўлиши шарт. Бизда аёллар шеъриятининг кўп асрлик анъаналари шаклланган ва айнан ҳаё, ибо, назокат, латофат, фаросат каби миллий фазилатларимизга таянгани билан ажралиб туради. Мумтоз шоираларимиз ҳам ёрга бағишлаб кўп шеърлар битган. Аммо улар ҳар бир сўзни назокат билан, ўз ўрнида қўллашган-да. Яна бир тарафи — бу шеърларда фақат мажозий эмас, балки ҳақиқий, яъни илоҳий ишқ ҳам куйланган. Улар асарларида инсонга, борлиққа, бутун мавжудотга, Ватанга муҳаббат бир-бири билан уйғунлашган. Шу боис қўлига қалам ушлаган ҳар бир ўзбек бу анъанани қадрлаши, унга амал қилиши, жамики фазилатларини сақлаб қолиши керак, деб ўйлайман...

Ҳозир ёш шоирлар асарлари вилоятларимиз марказларида ҳам чоп этиляпти. Китоб яхши бўлса, унинг қаерда чоп этилганининг сира ҳам аҳамияти йўқ. Бироқ...

Яқинда Урганч шаҳрида босиб чиқарилган "Мунаввар ёғдулар" деган тўплам қўлимга тушди. Унга ўн бир ижодкор ўқитувчи ва ўқувчининг шеърлари киритилган. Деярли бари — шеъриятга илк қадам ташлаётганлар. Яна ўша мавзулар: муҳаббат, вафо ва соғинч. Айрим машқларда қофиядан дарак йўқ. Жумладан, Муҳаббат Болтаеванинг "Соғинч" шеърини олайлик:

Азобларда қолган куним йиғлардим,
Кутганларим — мағрурлигинг қурбони,
Тош юрагинг эришини билардим,
Ширин соғинч асир қилди ҳижронни.

Ушбу тўртликда биронта сўз бир-бирига қофияланмаган. Ваҳоланки, шеър қофияси билан шеър-да. Мактабдаги адабиёт дарсликларини яхшилаб ўқиган ҳар қандай киши биладики, қофия бўлиши учун равий деган нарсага қатъий амал қилиш керак. Хўш, равий нима? Равий — қофияга олинган сўзларнинг ўзагидаги охирги товуш. Қофияланган ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ сўзнинг равийдаги товуши бир хил бўлиши лозим. "Йиғлардим"га "тиғлардим" сўзи қофияланиши мумкин, лекин "биладим" чинакам оҳангдошлик пайдо қилмаган. Кейинги қофияда аҳвол бундан ҳам чатоқ: "Қурбони" сўзига "ҳижрони"ни жуфтлаштирса бўлади, аммо шоирнинг мақсадида "ҳижронни" сўзини ишлатиш бор экан, унда, марҳамат, жумлани шундай тузсинки, иккинчи мисранинг охирги сўзи "қурбонни" тарзида келсин.

Шу тўпламга шеърлари киритилган Муродбек Эгамов-ку ёзма адабиёт намунаси адабий тил мезонларига амал қилган ҳолда ёзилиши кераклиги билан ҳисоблашмайди ҳам: "Бухоролик бибим бор мани" деб битади. Ҳолбуки, бу ерда "мани" эмас, "менинг" бўлиши керак эди. Тил — ихтиёрий нарса эмаски, уни ҳар ким ўзи истаганча буриб ишлатаверса.

Султонпошша Сайдаматова шу тўпламга кирган "Нозинга дурдим" шеъри, сарлавҳасидан ҳам кўриниб турганидек, халқ оғзаки ижоди йўлида битилган. Бироқ шева шу қадар сўистеъмол қилинганки, Хоразм халқ қўшиқларида ҳам аҳвол бу даражага бормайди. Мана, айрим сўзлар: "газмасин", "аканса", "ҳейрон", "ҳиром атиб", "гўйдим", "дасанг"...

Фарғонада чоп этилган Гулчеҳра Эргашеванинг "Ватан вужудимда ўсаётган руҳ" китобчасига киритилган "Тонг" шеърида бундан ҳам кулгили ҳолатга дуч келамиз:

Оппоқ тонг ёришди,
Майин ва сокин.

Шу шеърда на маъно-мантиқ ва на қофия бор. Балки бу оқ шеърдир, дерсиз? Оқ шеърда ҳам ҳеч бўлмаганда, оҳанг кучли бўлиши керак-ку.

Киши китоб ўқиганда ундан ўзига керакли бир озуқа олиши керак. Чунки шеърият киши кўнглига илоҳий бир ҳузур бағишлаб, унинг руҳий мадад олишига кўмак беради.

Шеър шундай нарсаки, баъзан ундаги биргина сўз ҳам инсонни теран мушоҳада этишга ундайди. Бунга эса кўнгилдан отилиб чиққан мисралар сабабчи. Шундай экан, шеърнинг қанчалик таъсирчан чиқиши сўзларнинг қўлланишига боғлиқ.

Биз санаб ўтган шеърларнинг барида аллақандай жўнлик ва уқувсизлик мавжуд.

Агар севгидек муқаддас ва ўта нозик туйғу бу қадар сийқалаштириб юборилса, нафақат шеърият, балки севгининг ҳам қадри тушиб кетади. Бунга йўл қўймаслик — миллийлигимизни сақлаб қолиш деган гап.

Ҳадисда таъкидланганидек шеърда ҳикмат бор. Зеро, буюк адибларимиз буни бир неча бор таъкидлашган. Агар шоиримиз шу ҳадисни ўзларига дўст қилиб олсалар, шеърдаги ҳикмат, сўздаги сеҳр ортади ва мангу қолади.

Шохрухбек ОЛИМ

Mushohada

АДАБИЁТИМИЗ БЕҚАДР БЎЛМАСИН!

Қуёшнинг нурлари
Гўзал жилвакор.
Баргларда илиниб
Турган шудринглар,
Оппоқ тонгга бериб
Тургандай салом.
Лаҳзалик умрлар,
Куйлар абадиятни,
Аста-секин дунё,
Уйғона бошлар.
Сокинлик бағридан,
Овозлар чиқар,
Ҳар бир кўчада...

Бу шеърда на маъно-мантиқ ва на қофия бор. Балки бу оқ шеърдир, дерсиз? Оқ шеърда ҳам ҳеч бўлмаганда, оҳанг кучли бўлиши керак-ку.

Киши китоб ўқиганда ундан ўзига керакли бир озуқа олиши керак. Чунки шеърият киши кўнглига илоҳий бир ҳузур бағишлаб, унинг руҳий мадад олишига кўмак беради.

Шеър шундай нарсаки, баъзан ундаги биргина сўз ҳам инсонни теран мушоҳада этишга ундайди. Бунга эса кўнгилдан отилиб чиққан мисралар сабабчи. Шундай экан, шеърнинг қанчалик таъсирчан чиқиши сўзларнинг қўлланишига боғлиқ.

Биз санаб ўтган шеърларнинг барида аллақандай жўнлик ва уқувсизлик мавжуд.

Агар севгидек муқаддас ва ўта нозик туйғу бу қадар сийқалаштириб юборилса, нафақат шеърият, балки севгининг ҳам қадри тушиб кетади. Бунга йўл қўймаслик — миллийлигимизни сақлаб қолиш деган гап.

Ҳадисда таъкидланганидек шеърда ҳикмат бор. Зеро, буюк адибларимиз буни бир неча бор таъкидлашган. Агар шоиримиз шу ҳадисни ўзларига дўст қилиб олсалар, шеърдаги ҳикмат, сўздаги сеҳр ортади ва мангу қолади.

Шохрухбек ОЛИМ

ҚЎШИҚ ОДДИЙ ЭРМАК ЭМАС

Хўш, бугунги кунда бундай қўшиқлар салмоғи хусусида нималар дейиш мумкин? Уларнинг савияси қай даражада?

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, бошқа бир қатор соҳалар қатори санъатимизда ҳам ривожланиш юз берди. Қўшиқчиликнинг эстрада йўналиши авж палласига чиқди. Эстрада ижрочиларининг эса бугунги кунда сон-саноғига етиб бўлмайди. Севимли санъаткоримиз, бетакрор овоз соҳиби, марҳум хонанда Ботир Зокиров бошлаб берган замонавий эстрадамиз анъаналарини давом эттираётган истеъдодли ёшларимизга назар солсак, санъатимиз тақдиридан кўнглимиз бир оз таскин топади. Бироқ битта қўшиқ яратиб, ўзининг ёқимсиз овози билан микрафонга тиралганча, гўёки дунёни ларзага солаётгандек бир пулга қиммат ижроси билан шон-шуҳратга даъвогарлик қилаётган "хонанда"лар ҳам кўпки, уларнинг "ижод намуна"лари ўсиб келаётган ёш авлоднинг дидига, ҳақиқий ўлмас санъатимиз тақдирига соя солиб турибди.

Айрим ёшларимиз борки, на матн, на мусиқага жиддий эътибор беришмай, енгил-елпи мазмундаги ашулалар яратишмоқда. Хориж оҳангларини ўзлаштириб ёхуд чет эл эстрадасига тақлид қилиб, санъат оламида адашиб юрибдилар. Бугунги кунда кўпчилик ёшларимиз мумтоз қўшиқларимизни тушунишмайди. Бунинг асосий сабаби ҳам, уларнинг мана шундай бемаза ашулаларни эшитиб, баҳра олишга одатланиб қолишганидир. Юртимиздаги кўпгина радио тўлқинларида, телевидение каналларида бу каби савияси паст қўшиқларнинг кетма-кет берилиши ҳам ажаблантиради кишини.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий бир суҳбатда ("Маърифат" газетаси, 2002 йил, 15 июнь) бундай ҳолатлар хусусида гапирар экан, қуйидаги сўзларни баён қилган эди:

"...Ҳозир эса ёшлар орасида мақом санъатини тушунмаслик, унинг ҳақиқий маъносини англаб етмаслик ҳолатларига гувоҳмиз. Бемаъни ижроларга келганда, уларнинг қандай қилиб эфирга чиқиб кетишини тушунолмайман. Қандай дид-фаросат билан бундай бемаъни дастурлар тузилади? Ҳақиқий булбулларнинг сайрашига тўсиқ бўлаётган олақанот ҳаккаларга қарши кураш олиб борадиган вақт етди.

Хоразмча, тошкентча, андижонча, бухороча, самарқандча, бойсунча тароналар, "Тановор"у "Дилхирож"лар, "Омон ёр"у "Лазги"ларнинг ўлмаслиги, шу кунга қадар етиб келишининг сири нимада, деб ўйлайсиз? Негаки уларда халқнинг ўтмишидан, маънавий қиёфасидан далолат берувчи руҳ, жозиба бор, билсангиз..."

Мана, айрим "саёз қўшиқлар" мисолида юқоридаги фикрларимизни тасдиқласак. Ёшлар қалбини ўзининг қўшиқлари билан забт этиш орзусида юрган "Сидерис" гуруҳи қизларининг "Алдамагин мени" номли ашуласига эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Қуйида қўшиқ матни келтирилган:

Тўрти бир кун ўзгарди кундуз,
Бедор тунларимда қолардим сенсиз.
Лекин сенинг ҳатто эсингга келмас,
Керагингман-ку ахир сенинг ёлғиз.

Айбларим, гумонларим бор,
Мендан ўзга яна сенинг киминг бор?
Юрагимда мени ёндирма гулхан,
Рашк эттим, рашк эттим сени ,
Алдамагин мени.

Кел ёнимга, сен ёнимга,
Келсанг бас, дедим.
Деганим билан, минг афсус адашдим.
Сен учун азиз бўлгани қонингда, ёр,
Асли қиз эмас экан у хумор эди ёр.

Севгинг озорини
Мендан яширдингми ҳали бундай сирингни?
Сенга шундай яшайвериш керак эмас,
Алдамагин мени.

Бундай қўшиқларни тинглаганимизда, ўзбек тилидан тўлиқ бохабар бўлмаган ёхуд хотирасидаги сўз бойлиги шикастланган "чала думбул" шоирнинг бири ерда, бири осмонда сузиб юрган айқаш-чуйқаш жумлаларию, инсоннинг нозик ҳиссиётларини қитиқлаш ўрнига, бутунлай сўндирувчи ҳиссиз сўзларига беихтиёр "маҳлиё" бўламиз. Ўйлашимча, матн устида чуқур мушоҳада юритиш ёки уни таҳлил қилиш шарт бўлмаса керак. Шеърдан фалсафий маъно қидириш учун эса, беҳуда вақт сарфлашга ҳожат йўқдай. Мазкур матнда "шоир"нинг ижоди "алаҳсираётган ошиқ"нинг "оҳ-воҳ"ларидан иборат. Ақлли ўқувчи эса бир қарашдаёқ бунинг фарқига етиши табиий.

Мана шундай қўшиқлар қаторига "Фазо" гуруҳининг "Югураман" номли ашуласини ҳам киритишимиз мумкин:

Югураман кетингдан чарчаб,
Ўзим югураман етолмайман ҳеч ҳам,
Чақираман исмингни айтиб,
Лекин қарамайсан орқанга ҳеч ҳам.

Севиб қолдим мен бир кўришда,
Севиб қолдим мен бир кўришда
Сени эслаб қолдим бир қарашда,
Ҳайрон югурасан кимнинг кетидан?
Ёки қочасан?

Кўзларингда ёш сен йиғлайсан,
Кимдандир сен жуда ҳам хафасан.
Ёки севгингни кимдир зор этдими?
Нега йиғлайсан?

Агар бўлса жой мехрингда,
Жоним, мен учун бергин юрагинг.
Сенинг яқин инсонинг, содиқ севгинг
ўзим бўламан.

Орзуларингга биз етамиз,
Ёлғон сўзларни биз тарк этамиз,
Билгин, севгим бор,ширин ҳаё,
бизда бўлади.

Албатта, юқоридаги матнни **шеър** деб бўлмайди. У мутлақо бадиийликдан йироқ. Шу боис, қўшиқ мусиқа басталаниб, унга мос равишда йўл-йўлакай айтиб кетилган оддий гапларга ўхшаб кетади. Матндан қидириладиган маъно – анқонинг уруғи. Афсуски, бу каби номукаммал қўшиқлар бир ёки икки қўшиқ номини санаш билан тугаб қолмайди. Аксинча, бугунги кунда пайдо бўлаётган кўпгина ёш хонандаю гуруҳлар ижросида ва ҳатто таниқли ёш ижрочилар орасида ҳам бундай ҳолат кўзга ташланади.

Қолаверса, оммавий тарзда тарқаладиган ҳар бир нарса, буюм ёки хизмат турининг истемолчиси сифатида кишиларимиз уларнинг сифатли, бежирим ва энг муҳими, ҳаёти учун фойдали бўлишини талаб этишларига ҳаққи бор. Чунончи, қўшиққа ҳам биз айнан тамойил асосида қарашимиз керак.

Мақсадимиз санъат бўстонида ўзининг ажиб бўйларини таратиб, барчани ром этувчи гуллар орасида чирмовуқдек хавф солиб турган хонандаларнинг бемаъни ижроларини халқимизга кўрсатиб беришдир. Мақоламиздан тўғри хулоса чиқарасизлар, деб умид қиламиз.

Фаррух БЎТАЕВ

Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 13 млн. 200 минг сўмлик ўқув стол-стуллари харид қилиниб, илм масканларига тақсимланди.

Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи раҳбарияти айни пайтда 70 дан ортиқ маҳаллий ва қўшма корхоналар ҳамда қатор ташкилотлар ва ҳокимликлар билан яқиндан алоқа ўрнатишга эришган.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturi — amalda

ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бундан беш йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши билан бошланган мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ислоҳотлар бугун жадал суръатлар билан давом этмоқда. Мана шу давр ичида мамлакатимиз таълим тизимида шундай ишлар қилиндики, уларни алоҳида таъкидлаш бугун ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини зўр қувончу ифтихорга тўлдиради. Ўтган йили Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида узлуксиз таълим тизимининг ўрта бўғини ҳисобланган ЎМКҲТ тизимида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинганида, бу борада қатор ижобий натижаларга эришилганлиги қайд қилинди. Бугун республикада мавжуд 44 та академик лицей ва 291 та касб-ҳунар коллежидан 18 та академик лицей ва 24 та касб-ҳунар коллежи пойтахтимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Тошкент шаҳрида энг биринчилардан бўлиб ташкил этилган ТТЕСИ, ТДШИ, ЎзМУ каби олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейлар ҳамда Тошкент авиасозлик, педагогика, радиотехника касб-ҳунар коллежлари бу йил иккинчи бор ўз қалдирғочларини учирма қилган бўлса, ислоҳотларнинг иккинчи йилида барпо этилган 11 та академик лицей ва 12 та касб-ҳунар коллежлари эса илк бора 4413 нафар битирувчига катта ҳаётга йўлланма берди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида бажарилган ишларнинг таҳлили ЎМКҲТ тизими ходимлари олдидаги иккинчи босқичда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб берди. Ана шундай долзарб вазифаларни бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бош-қармаси мутахассислари томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар бугунги кунда изчиллик билан амалга оширмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини такомиллаштириш ва унинг сифатини оширишни замон талаблари даражасига кўтаришга эришиш айни пайтда соҳа ходимлари олдида турган долзарб масалалардан биридир. Ана шу мақсадда пойтахтимиздаги 22 та касб-ҳунар коллежида ташкил этилган тажриба-синов майдончаларида 52 та соҳа стандартлари лойиҳаси, 52 та ўқув режаси ҳамда 223 та ўқув дастурлари синовдан ўтказилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари тайёрлов йўналишлари бўйича 1999 йилда тайёрланган 29 та таълим тармоқ стандартлари лойиҳалари, ўқув режа ва дастурларининг тажриба-синов натижалари таҳлил қилиниб, улар қайта ишланмоқда. Бу ишга таълим муассасаларидан 32 нафар малакали ва тажрибали ўқитувчи жалб этилган. Умумтаълим ва касбий фанларга қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда 36 та тармоқ стандарти бўйича ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида 60 нафардан ортиқ педагог ва муҳандис-педагог иштирок этмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида иқтидорли ўқувчиларни излаш, аниқлаш ва уларни муайян фан йўналиши бўйича мақсадли тайёрлаш, республикамизнинг илмий салоҳиятини ривожлантирувчи юксак истеъдод соҳибларига ўз қобилиятларини намоён этиши ва рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, республика фан олимпиадаси шаҳар босқичида бошқарма тасарруфидаги илм масканларидан 12 нафар ўқувчи совринли биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди. 1-Тошкент педагогика билим юрти, Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи, ЎзДЖТУ, ТошПТИ, ТДТУ ва ЎзМУ каби олийгоҳлар қошидаги академик лицейлар ўқувчилари она тили ва адабиёти, француз тили, биология, кимё, ўзбек гуруҳларида рус тили ва чизмачилик фанлари бўйича республика олимпиадасида 1-2-ўринларга сазовор бўлишди.

ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги илм масканларида таълим мазмунини янада яхшилаш ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш мақсадида 29 та таянч таълим муассасаларида 10 та умумтаълим ҳамда 11 та махсус таълим фанларидан доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил этилди. Ҳозирги кунга келиб ушбу курсларда 2500 нафар ўқитувчи ўз малакасини оширди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг жойларда ташкил этилган доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари фаолияти ҳар томонлама ўрганилиб, таҳлил қилинди. Тайёр маъруза матнлари ва услубий қўлланмалар нашрга берилди. Машинасозлик, қурилиш, енгил саноат ва озиқ-овқат йўналишларида фаолият кўрсатаётган малака ошириш курсларига амалий ёрдам кўрсатилди. Машғулотлар маъруза, семинар, давра суҳбати, қизиқарли учрашув, баҳс-мунозара, экскурсиялар, касбий маслаҳатлар, кўрик-танловлар, очиқ дарслар, ҳимоялар, амалий ва мустақил ишлар, кўчма машғулотлар тарзида олиб борилди. Жойларда ташкил қилинган доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларининг ўзига хос томони шунда бўлдики, тингловчи-ўқитувчилар бу жараёнда ўз мутахассисликлари, яъни дарс ўтаётган фани бўйича ўқув матнларини тайёрладилар ва уларни касбдошлари олдида ҳимоя қиладилар, ўқитишнинг замонавий технологиялари элементларини дарс жараёнида самарали қўллашни ўргандилар.

Таълим жараёнига янги педагогик технологиялар элементларини, ўқитишнинг ноанъанавий шаклларини жорий қилиш, айни чоғда энг долзарб масалаларнинг биридир. Бу борада 21 нафар илғор ўқитувчиларнинг янги технологияларни қўллаш тажрибалари оммалаштирилмоқда. Айниқса, Тошкент молия-иқтисодиёт коллежи раҳбари У.Иноятов, ушбу коллеж информатика фани ўқитувчиси М.Дўстов, ТДЮИ қошидаги академик лицей раҳбари Х.Назаров, физика фани ўқитувчиси Д.Пўлатова, ТАҚИ қошидаги академик лицей ўқитувчилари А.Нўъмонхўжаев, А.Омоновларнинг иш тажрибалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, дарҳақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларимиз ҳамон суст кечмоқда. Масалан, соҳа мутахассислари олдида таълим мазмунини такомиллаштиришни тақозо этувчи қуйидаги масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди:

— доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида ўқитишнинг ноанъанавий усуллари, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, илғор тажрибаларни кўпайтириб, оммалаштириш;

— илғор тажрибага эга бўлган педагогларни аниқлаш, уларнинг иш усули ва тўплаган тажрибаларини ўрганиш ва ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш;

— педагог ва муҳандис-педагогларнинг касбий, педагогик ва методик маҳоратларини ошириш ишларини такомиллаштириш;

— таълим муассасалари кутубхоналарини имкон қадар компьютер воситалари билан таъминлаш;

— доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида ўқитувчиларнинг билимларини лотин алифбоси асосида мунтазам равишда ошириб бориш ва ҳоказо.

Айни кунларда ана шу юқорида таъкидланган вазифаларни ижобий ҳал қилиш борасида бошқарма томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичида ЎМКҲТ тизимида таълим мазмунини кўтариш ва такомиллаштириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларга асосан барча таълим муассасаларида педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг малакасини бугунги кунда замон талабига жавоб бериш даражасига кўтариш ўта долзарб масала эканлигини эътиборга олган ҳолда умумтаълим ва махсус фан йўналишлари бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил қилинмоқда. Жорий йил 19 августдан бошлаб қатор таянч таълим муассасаларида умумтаълим ва махсус фанлардан методик ва касбий тайёргарлик бўйича малака ошириш курслари ўз фаолиятларини бошлади.

Таълим муассасаларининг барчасида кутубхоналар мавжуд бўлиб, китоблар жамғармаси 1925803 тани ташкил этади. Шундан 263399 таси умумтаълим фанлари, 532389 таси махсус фанлар, 1130015 таси бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётларни ташкил этади. Таълим муассасаларимиз кутубхоналарида 3716 ўқувчи ўринли қироатхона мавжуд бўлиб, 20 та кутубхона компьютер, ксерокс — нусха кўчириш каби замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминланган. 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида ЎМКҲТ Маркази ўқув адабиётлари таъминоти бўлими томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун 42079 дона 45866287 сўмлик ўқув адабиётлари, қўлланмалар берилиб, улар барча таълим муассасаларига тарқатилди. Шунингдек, 1-ярим йиллик давомида ҳомий ташкилотлар томонидан 6 млн. 314 минг 289 сўмлик, таълим муассасалари томонидан эса 7 млн. 216 минг 529 сўмлик ҳажмда ўқув адабиётлари сотиб олинган.

Бошқарма тасарруфидаги 10 та таълим муассасаси дунё ахборот тизимидан кенг фойдаланишлари учун ҳалқаро Интернет тармоғига уланган. Ҳар бир академик лицей ўз йўналиши бўйича олий таълим муассасаси ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг қатор илмий-тадқиқот институтлари билан узвий алоқада иш олиб бормоқда.

Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб Тошкент шаҳар ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис маркази билан ҳамкорликда туман мактаблари 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш бўйича тарғибот ишлари юргизилди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қўшма буйруқлар чиқарилди. Бундан ташқари, 2003-2007 йилларда 9-синфни битирувчи ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириши тўғрисида истиқболли режа ҳужжатлари туманлар кесимида ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, 2004-2005 ўқув йилидан пойтахт мактаблари 9-синфини битирувчи ёш йигит-қизларнинг барчасини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига юз фоиз қамраб олиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунданоқ бошлаб юборилди.

ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган қўшма ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини ўташлари борасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Бугунги кунга келиб 440 га яқин ана шундай шартномалар имзоланган. Буларнинг сирасига агротижорат касб-ҳунар коллежининг "MUZIMPEX — TIJORAT" унитар корхонаси, туризм коллежининг "Интерконтиненталь" меҳмонхонаси, "AST", "Юонанис тур", "Атлантида тур" корхоналари, транспорт коллежининг "Алгоритм", "Автотрансдиспросервис", "Тошкент-Лада" каби корхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини киритса бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидламоқ жоизки, Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи раҳбарияти айни пайтда 70 дан ортиқ маҳаллий ва қўшма корхоналар ҳамда қатор ташкилотлар ва ҳокимликлар билан яқиндан алоқа ўрнатишга эришган. Аммо, айрим таълим муассасаларимиз раҳбарлари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга жиддий эътибор беришмаётир, имзоланган шартномалар қоғозда қолиб кетмоқда, бунинг натижасида ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётлари талаб даражасида ташкил этилмаяпти, айрим ҳолларда тузилган шартномалар қоғозда қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, янги турдаги касб-ҳунар коллежларининг ўқув-ишлаб чиқариш имкониятлари каттадир. Бундай коллежларда ўрнатилган замонавий асбоб-ускуналар, юқори технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда халқ хўжалиги ва кундалик эҳтиёж молларини илм масканининг ўзидаёқ тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуддир. Фақат интилиш, ташаббус кўрсатиш, изланиш зарур.

Таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузиш мақсадида бир гуруҳ немис мутахассислари Мирзо Улуғбек информатика, Ҳамза компьютер ва Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари ҳамда пойтахтдаги "Дойче-кабель", "Алгоритм" ва "Фотон" каби корхоналарда ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар билан атрофлича танишишди.

Барча таълим муассасалари раҳбарларининг касбга йўналтириш бўйича ўринбосарлари билан биргаликда ОЎЮлари ўртасида шартномалар тузиш ҳамда илм масканларида ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини қандай ташкил қилиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг иш берувчилар билан амалга ошириши лозим бўлган вазифалари хусусида қатор семинарлар уюштирилди.

Янги 2002-2003 ўқув йилида ўқувчи-ёшларни академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилишни юксак савияда ташкил этиш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида қабул ҳайъати мунтазам иш олиб бормоқда. Бунда, айниқса, мактабнинг 9-синфини битираётган ёшларни кўпроқ ўқишга жалб қилиш мақсадида таълим масканининг оммавий ахборот воситалари орқали олиб бораётган тарғибот ишлари жуда ҳам қўл келмоқда. Ҳозирги кунда бошқармамиз тасарруфидаги таълим муассасаларида янги ўқув йилига 11 та йўналиш ва 130 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул жараёни кетаяпти. Олдимизда турган муҳим масалалардан бири ҳам таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш жараёнини самарали якунлаш, янги ўқув йилини янгидан-янги куч-ғайрат, ташаббус, изланиш ва ижодкорлик руҳи билан муносиб кутиб олишдир.

Мираббос АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимияти ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ЯНГИ БИНОЛАР

Хабарингиз бўлса, яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисида жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш борасидаги ишларнинг аҳволи қониқарсиз баҳоланган эди. Хусусан, 2001 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектларнинг бир қисми ишга туширилмаганлиги, бу борада ажратилган капитал маблағлар лимитини ўзлаштириш айрим вилоятлар каби Тошкент шаҳрида жуда кам фоизни ташкил этгани ҳам таъкидланганди. Хўш, орадан озгина вақт ўтиб, ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар борасида қандай ўзгаришлар, ижобий силжишлар бўлмоқда? Таълим муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш борасида қандай чора-тадбирлар белгиланган? Айни кунда бу борада қандай амалий ишлар қилинмоқда? Шу каби саволларга Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғининг қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ўринбосари Фахриддин Шамшиев шундай жавоб беради:

— Тошкент шаҳрида мавжуд 117 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан 63 таси шаҳар молия бош бошқармаси томонидан молиялаштирилади. Қолган қисми турли вазирликлар ва республика ташкилотлари, йирик компаниялар ва корпорациялар тасарруфида бўлганлиги боис, мазкур васий ташкилотлар ушбу илм масканларини таъмирлаш ишларига ҳар томонлама кўмак берадилар. Илм даргоҳларида янги ўқув йилига тайёргарлик жараёни давомида ўқув хоналари, ётоқхоналар, устахона, фан кабинетлари ва лабораториялар, ошхона, фаоллар зали ҳамда спорт мажмуалари тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда. Ана шу мақсадда таълим муассасаларида шанбаликлар ва ҳашарлар уюштирилиб, бу ерларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўқув бинолари олд қисми, илм маскани худудини ўраган деворлар ва панжараларнинг таъмирталаб жойлари таъмирланди, оқлаб бўялди. Таълим муассасаси ҳудуди ва ён атроф майдонлар тозаланиб, дарахтларнинг таги юмшатилди. Туман ҳокимликлари томонидан илм масканига бириктирилган ҳудудларда ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилди. Техника ҳамда ёнғин хавфсизлиги бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларга таълим муассасаларида риоя қилиниши назоратга олинаяпти.

Ҳозирги кунга келиб, ўқув бинолари томларини таъмирлаш ишларида шифер томлар 685 метр/квадрат, юмшоқ томлар 7460 метр/квадрат бажарилган. Бундан ташқари, сантехника тизимлари таъмирланмоқда, электр тизимлари ҳам таъмирланиб, кўрикдан ўтказилмоқда. 4350 метр/квадрат синган ойналар алмаштирилди. Мавжуд 3 та қозонхона таъмирдан чиқарилиб, улар учун етарли миқдорда 719,8 минг метр/куб газ лимити тақсимлаб берилди.

Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги янги қурилиш ва реконструкция йўли билан фойдаланишга топширилган 18 та академик лицей ва 24 та касб-ҳунар коллежи, жами 42 та янги турдаги таълим муассасалари янги ўқув йилига тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилди.

Таъмирлаш ишлари учун таълим муассасаларига бошқарма томонидан 4864 килограмм бўёқ берилди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 13 млн. 200 минг сўмлик ўқув стол-стуллари харид қилиниб, илм масканларига тақсимланди.

Чет эл кредитлари ҳисобига академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун Жанубий Корея давлати томонидан 38 та биология хонаси, 10 та анатомия, 1 та радиотехника, 39 та физика, 35 та астрономия, 39 та кимё лабораторияси, 54 та лингафон, 44 та информатика, 5 та автомобиль тузилиши, 14 та электротехника хонаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда Германиянинг GTZ техник ҳамкорлик маркази томонидан Тошкент туризм, Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда фаолияти натижасида мазкур коллежлар ўқув ва ишлаб чиқариш таълими жараёнига зарур бўлган жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, Осиё Тараққиёт банки ва Япония давлати кредитлари ҳам таълим муассасаларини жиҳозлашга сарф қилинмоқда. Ушбу чет эл кредитларидан келтирилаётган асбоб-ускуналар эвазига жиҳозланаётган таълим муассасалари раҳбарияти олдидаги бош вазифа, мазкур жиҳозларни таълим жараёнида унумли ва самарали фойдаланиш ҳамда яхши сақланишини қаттиқ назоратга олиши лозим.



Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳар халқ хўжалигини 2002-2003 йилги куз ва қиш мавсумига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорини, ЎМКҲТ бошқармасининг ўз тасарруфидаги таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича қабул қилган буйруғига асосан, бошқарманинг ўзида ҳамда ҳар бир лицей ва коллежда махсус штаблар ташкил этилди. Бу штаблар мазкур йўналишда қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг қанчалик амалга оширилаётганлигини назорат қилишмоқда.



Айни чоғда барча таълим муассасалари раҳбарларига Мустақиллик байрами арафасида таълим муассасаси ҳудудида тозалаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш, мазкур байрамга оид плакатлар ва шиорлар билан безаш ишлари юклатилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Мустақиллик байрами арафасида бир қатор касб-ҳунар коллежларимизда қўшимча бинолар қад ростлади. Буларнинг сирасига Акмал Икромов туманидаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш устахоналари учун янги қурилган биноси, Чилонзор туманидаги "Тошкент метрополитени" тармоғига мутахассис кадрлар етказиб берувчи транспорт касб-ҳунар коллежининг янги спорт зали ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган муҳташам биноси, Тошкент агротижорат касб-ҳунар коллежининг ўқув биноларини киритсак бўлади. Аҳамиятли томони шундаки, бу биноларнинг барчаси энг сўнгги русумдаги компьютерлар, замонавий ўқитиш воситалари, хориждан келтирилган, ишлаб чиқаришнинг юксак технологияларини қайтарувчи макетлар билан жиҳозланмоқда.

Нурлан УСМОНОВ ёзиб олди.
Суратларда: Тошкент транспорт ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежларида барпо этилган янги бинолар.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- **Пойтахтимизда 117 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари мавжуд бўлиб, улардан янги турдаги таълим муассасалари — 18 таси академик лицей ҳамда 24 та касб-ҳунар коллежи ҳисобланади.**
- **Бундан ташқари, техникумлар, бизнес мактаблар, касб-ҳунар лицейларию мактаблари, лицей ва лицей-интернатлар ёш йигит-қизларга касб-ҳунар коллежи дастурлари бўйича таълим-тарбия беришмоқда.**
- **Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида жами 7408 нафар педагог ва муҳандис-педагог фаолият кўрсатмоқда. Улардан 33 нафари фан доктори, 327 нафари фан номзодлари бўлса, 1794 нафар олий, 1579 нафар биринчи, 802 нафар иккинчи тоифали ўқитувчилардир. Ёш мутахассислар сони 588 нафарни ташкил этади.**
- **Ҳар бир академик лицей ўз йўналиши бўйича олий таълим муассасаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси қатор илмий-тадқиқот институтлари билан узвий алоқа ўрнатган.**
- **2002 йилнинг биринчи ярим йилида 672 нафар ўқитувчи 18 та олий таълим муассасалари ва ЎМКҲТРИ малака ошириш факультетларида малака оширдилар, улардан 278 нафари умумтаълим фанлари ҳамда 394 нафари махсус фанлар бўйича ўз билимларини бойитишга муваффақ бўлишди.**
- **Пойтахт таълим муассасаларидан 43 нафар педагог хорижда малака ошириб қайтдилар.**

ПУТИН: "Ми-26" АНИҚ ТЕКШИРИЛИШИ КЕРАК

Душанба куни Грозний шаҳри яқинида ҳалокатга учраган "Ми-26" ҳарбий транспорт вертолётини диққат билан текширишни Россия президенти Владимир Путин қаттиқ талаб этди. Фожеа вақтида вертолёт бортида 146 киши бўлиб, сўнгги маълумотларга кўра, уларнинг 85 нафари ҳалок бўлган. Тезкор олиб борилган қутқарув иши натижасида 23 кишининг жасади топилган ва 27 хизматчи Хонқалъадаги шифохонага ётқизилган. Ҳозирда фожеа сабаблари борасида 2 тахмин: унга ердан туриб ҳужум қилинган ёки техник носозлик юз берганлиги илгари сурилмоқда.

ГАРОВДАГИЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

Грузия ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, Тбилисидан 12 км. узоқликда бўлган Мцхет туманида 3 нафар кишини 15 соатлик гаровда ушлаб турган жиноятчи отиб ўлдирилган. Вазир Коба Нарчемашвилининг айтишича, жиноятчи снайпер томонидан отиб ўлдирилган. Бинобарин, бунда н бошқа чора топишнинг имкони бўлмаган. Гаровдагилар гарчи оғир руҳий ҳолатда бўлсалар-да, лекин, улардан ҳеч бири жароҳатланмаган. Маълум бўлишича, қуролланган жиноятчи заргарлик дўконига бостириб кириб, қимматбаҳо буюмларни ўғирлагач, бир аёл ва 2 эркакни гаровга олган эди.



АРМИЯ ОЛИБ КЕТИЛДИ

Куни кеча Исроил ва Фаластин ўртасида келишувга эришилгач, Исроил қўшинлари Газо ва Вифлеем шаҳарларидан олиб чиқиб кетилди. Эндиликда бу шаҳарлар фаластинлик ҳарбийлар назорати остида бўлади. Ўз навбатида, мухторият ҳам Исроил ҳудудларида юз беражак террор актларининг олдини олиш учун жиддий қайғуриши лозим.

Лекин икки ўртадаги келишувдан ХАМАС ва "Ислом жиҳоди" каби қуролли гуруҳлар норози бўлмоқдалар.

КИМ ЧЕН ИР ЯНА РОССИЯГА КЕЛДИ

Шимолий Корея президенти Ким Чен Ир жорий йилда иккинчи марта Россия Федерациясига ташриф буюрди. Ҳеч қачон самолётда учмаган президент бу сафар ҳам ўзининг махсус поездида Россия чегарасидан кириб келган. Эртага у Владивостокда Владимир Путин билан учрашади. Ташрифдан мақсад минтақадаги ҳолат билан танишиш ҳамда иқтисодий ва савдо ҳамкорликларини такомиллаштиришдир.

"АЛ-ҚОИДА" ҲАҚИДАГИ ВИДЕОТАСВИРЛАР

"Си-Эн-Эн" телекомпаниясининг ўз мухбири Ник Робертсон Афғонистондан олиб келган видео кассеталарни ушбу ҳафта давомида навбатма-навбат намойиш этмоқда. Робертсоннинг айтишича, 2 ҳафта аввал унинг бир таниш ҳамкасби Қобулда "Ал-Қоида" ташкилоти ҳақидаги видеокассеталарни беришни таклиф этган. Ниҳоят 17 соатлик йўлни машинада босиб ўтишгач, улар видеоёзувлар сақланаётган жойга етиб боришган. Ва Робертсон 64 та кассетани қўлга киритган. Бу кассеталарда "Ал-Қоида"нинг бомба тайёрлаш усуллари, "Земля-воздух" ракеталаридан фойдаланиш сирлари, Усама бен Лоденнинг бошқа террорчи ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлари тасвирга туширилган.



7,7 БАЛЛИ ЕР СИЛКИНИШИ

"ИТАР-ТАСС"нинг хабар беришича, Океанияда 7,7 балли ер қимирлаши юз берган. Сейсмологларнинг фикрича, ер силкинишнинг эпицентри Фиджи оролларидан жанубда бўлган Тинч океани чуқурликларига тўғри келган. Қурбонлар ва талофатлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Лекин, мутахассислар бундай кучдаги ер қимирлашлари бу ерда бўлиб туриши одатий ҳол, дея айтмоқдалар.



"Интернет" хабарлари асосида тайёрланди

ЯНА ИРОК МАВЗУСИ

генераллар операцияга қарши чиқмоқдалар

Бугун жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборида турган Яқин Шарқ мавзуси Европа матбуотининг биринчи саҳифасидан ўрин олган. Жумладан, "Таймс" газетаси 1991 йил Форс кўрфазида ўтказилган "Саҳродаги бўрон" операциясида халқаро кучларга қўмондонлик қилган генерал Норман Шварцкопфнинг фикрларини келтиради. Айни пайтда истеъфода бўлган генералнинг айтишича, халқаро кучларнинг қўллаб-қувватлашларисиз Ироққа ҳужум қилинса, у Қўшма Штатлар учун оғир кечади ва анчагина қимматга тушади. Операциянинг муваффақиятли бўлишида нафақат Қувайт ҳамда Туркия, балки АҚШ учун муҳим иттифоқдош бўлган Саудия Арабистонининг ҳам кўмаги зарур. Аммо, Ар-Риёд ҳозирча унга ёрдам бериш ниятида эмас. Ҳафта бошида ўз муносабатини билдирган қироллик ҳукумати "АҚШ нинг уюштиражак операцияси минтақадаги хавфсизлик ҳамда барқарорликка ва тинчликка путур етказади. Энг мақбули дипломатик йўл билан муаммони ҳал этишдир.", дея айтган.

Шунингдек, газета Косово можороси вақтида Европада ҳаракатланган НАТО қўшинларига қўмондонлик қилган америкалик генерал Уэсли Кларкнинг ҳам фикрларини берадики, у ҳам Шварцкопфнинг фикрларига қўшилади.

Мавзуни давом эттирган "Независимая газета" газетаси эса АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Оқ уйга махфий мактуб йўллаб, Қўшма Штатларга ёки унинг хориждаги ваколатхоналарига қанотли ракеталар ёрдамида ҳужум қилиниши хавфи ортиб бораётгани ҳақида огоҳлантирган. Пентагон раҳбари ушбу масалани дарҳол Президент ҳузуридаги миллий хавфсизлик кенгашида кўриб чиқиш кераклигини маълум қилган. Зеро, бугун бундай қуролга 81 давлат эга бўлиб, ҳозирда дунё бўйича 70 мингта қанотли ракета бор. Унинг аксарияти эса душман кемаларини йўқ қилишга мўлжалланган. Аммо, Ироқ жавоб ҳаракатларида бу қуролни Қўшма Штатларнинг аҳоли пунктларига қарата йўналтириши мумкин. Айнан бу борада "Санди таймс" газетаси ҳам тўхталиб, Исроил разведкаси маълумотларини келтиради. Жавоб ҳаракатлари вақтида Ироқ биологик ҳамда кимёвий қуроллар ортилган ва ўлимга тик борувчи учувчилар бошқарадиган самолётларни ишга солиши мумкин.

Ундан аввалроқ, Афғонистонга келган вақтида ҳам Рамсфельд бу масала ҳақида гапирар экан, дунёни терроризм ҳалокатидан қутқариш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Йўқса, оммавий қирғин қуролларига эга бўлган террорчилар нафақат юзлаб, балки ўн ёки юз минглаб одамларнинг ёстиғини қуритишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Келгуси йил бошларига мўлжалланаётган Ироқ операциясида афғон услуби қўлланилмайди, яъни аввал бомбардимон, сўнгра пиёдалар киритилмайди. Чунки, Афғонистондаги Шимолий Иттифоқ кучларига нисбатан Ироқ шимолидаги курдлар ва жанубидаги шиаларнинг имкониятлари кам. 1991 йил Қувайтни озод этишда қўлланилган "Саҳродаги бўрон" операциясида 500 минг америка аскари иштирок этган бўлса, бу сафар 75 мингдан 250 минг нафаргача аскар қатнашиши кутилмоқда. Операциянинг 2003 йилга қолдирилишининг сабаби, агар у бу йил амалга оширилса, Исроил-Фаластин можоросига қаттиқ таъсир қилиши мумкин. Айни вақтда эса иттифоқдошларни кўпайтириш керак. Зеро, Туркия ва Форс кўрфази давлатларининг кўмагисиз ҳарбий режани амалга ошириш маҳолдир. Аммо, Яман Президенти Али Абдулло Солиҳ Жидда шаҳрида Саудия ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари билан учрашган вақтида ҳар икки томон ҳам АҚШ режасига қарши эканлигини билдирган. "Биз умумараб манфаатларини қаттиқ ҳимоя қиламиз. Ироққа уюштирилажак ҳужум эса минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таъсир қилади. Ҳукумат раҳбариятини ўзгартиришни фақат ва фақат Ироқ халқигина ҳал этади. Чунки, бу унинг ички ишидир.", деди президент.



Би-Би-Сининг хабар беришича, мамлакатни мудофаа қилиш учун айни вақтда Ироқ ҳукумати жиддий эътибор бермоқда. Ҳарбийларнинг ойлик маошлари оширилиб, зобитларга автомобиллар берилган. Зеро, қўшинларнинг руҳияти Америка ўйлаганидан анча юқоридир. Шунингдек, айни вақтда 1800 нафар 13-16 ёшли ўсмирлар ҳам катталар сингари ҳарбий тайёргарликдан ўтганлар. Уларга "Калашников" автоматидан фойдаланиш сирлари, сиёсий ҳамда диний назариялар ўргатилмоқда. Саддам Ҳусайн маҳаллий ҳокимиятларга мудофаа борасида алоҳида кўрсатмалар берган. Бугун АҚШ томонидан "Ёвузлик ўчоғи"-дея аталаётган давлатлар билан ўз муносабатларини яхшилаётган Россия Бағдод масаласига ҳам беэътибор қарагани йўқ. Бағдод-Москва ҳамкорлиги ҳақида ёзар экан "Вашингтон пост" газетаси, сентябрнинг биринчи ярмида Россия-Ироқ ўртасида 40 миллиард АҚШ доллари қийматида шартнома имзоланишини келтиради. Зеро, унда нефт, табиий газ каби тармоқлар ривожлантирилиши кўзда тутилади. Муҳим жиҳат, Москва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига ёки унга етказиладиган зарар учун товон пули талаб қилишга ҳақлидир. Шунингдек, Владимир Путин Эрон билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 10 йиллик дастурни таклиф этган бўлса, эртага у Шимолий Корея президентини Владивосток шаҳрида қабул қилади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Milli o'yinlar

ЧАНҚАГАН ОТЛАР ВА ДОНХЎР ЧУМЧУҚЛАР

Ўйин югуриш ва тез юришга мосланмаган, сийрак ўт ўсган майдонда 7 ёшгача бўлган болаларда ўз танасига зарар етказмай югуришга эҳтиёткорликка ўргатиш, 8-10 ёшгача болаларнинг югуриш малакаларини кичик укаларига ургатишни назарда тутади, 8-10 ёшлилар чанқаган отлар, 7 ёшгача болалар чумчуқлар вазифасини бажарадилар:



Отларнинг сув ичиш жойи

Сув ичишга келган отлар, чумчуқлар ўз белги рақамларига эгалар. Ўнг томондан дастлаб келган от 1 рақамли белгили, қолганлари 2, 3 ,4, 5, ва бошқа ўзига тегишли йўлдан югуриб иккинчи томонга ўтади. Отлар йўлдан ўтишда ўнг томондаги чизиқ бўйлаб югурадилар, чумчуқлар югурганда ҳам шундай рақам белгиси билан ҳаракат қиладилар ва чап томондаги чизиқ бўйлаб отдан ўзларини ҳимоя қиладилар. Отлар ва чумчуқлар бу ўйинни ҳар куни тонгда, кечки салқин вақтида овқатланишдан олдин 3 мартадан ижро этадилар. Эҳтиёткорлик билан югуриш ва тезкорликда яхши натижаларга эришган чумчуқ 4 ҳафта натижасига биноан унга яқин натижага эришган от билан бир йўлда мусобақани давом эттиради. Ноқулай йўлда ўзини асраб, танасига жароҳат етказмай тезликни оширган болалар жисмоний ривожланишдаги тайёргарликларига қараб ўз йўлларида (1-10 йўл) шерикка мусобақадош бўладилар. Енгил атлетика — спорт турларининг шохи деб аталади. 10 ёшгача бўлган болалар ўз-ўзларини бошқариб боғчада, маҳаллада, мактабда адолатли танлов мусобақалари ўтказсалар, ҳар бир шуғулланувчи ўзининг қобилиятига мос келадиган спорт турини вақтида топиб олиш 13-16 ёшли ўғил-қизлар учун унутилмас дақиқалар бўлиб қолади. Ақлий — ахлоқий камолот билан жисмоний фаолликнинг ўйлаб танланган йўналиши шаклланиш фаслига ўтади. Бу масалада хулосага келиш учун зув ўйинида бир нафас олганда неча метрга югурдингиз, бир Зув неча дақиқага тенг эди. Кварталлар бўйича, йил давомида бу кўрсатгич қандай ўсгани, 5 ёшдан 13-16 ёшгача муддатдаги умумий ўзгариш, сафдошларининг ушбу кўрсатгичларига ҳам таққослаб кўрилади.

Шунингдек, 2000 йил 1 январидан ҳукумат қарори билан мамлакат миқёсида жорий этилган Алпомиш ва Барчиной тестларининг йиллик динамикаси, 5-13 ёш оралиғидаги ўсиш таққосланади (5 ёшга тўлгандан то 13 ёш бошланишигача.)

Бошқа ўйинларда таъкидланганидек, болалар боғчалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, техникум ва олий ўқув юртларининг кўпчилик талабалари ўзларида сезиб юрган ҳаракатчанлик танқислигини ҳамма тавсия этилган тадбирларни амалга ошириш орқали, саломатликка зарарли ҳолатдан қутилишлари зарур. Зеро, халқимиз орасида кенг тарқалган — Занг темирни кемиради, кам ҳаракатлилик - умрни, деган огоҳликка чақириқни ҳар биримиз амалий фаол тарғиботчиси бўлайлик.

Ф.НАСРИДДИНОВ, Ш.ТЎЛАГАНОВ

БРИТАНИЯ БЕКХЭМГА ИШОНЪАДИ!

O'yindan tashqari holat

Инглиз хукумати Дэвид Бекхэм ва унинг рафиқаси мамлакатдаги демографик аҳвол яхшиланишига ҳисса қўшишидан умидвор бўлмоқда. Гап шундаки, маш-ҳур футболчи ва унинг хотини — Виктория Адама яқинда иккинчи фарзандлари туғилишини кутишаётганлигидан жамоатчиликни воқиф этишди. Англия матбуоти қарийб ҳар куни Викториянинг соғлиғи ҳақидаги хабарларни ўз саҳифаларида бериб бормоқда. Бу даражадаги эътибор кўпчиликка ғайритабиий туюлиши ҳам мумкин. У марҳум Елизаветадек давлат аҳамиятидаги мўътабар шахс бўлганида ҳам майли эди. Аммо ўз-ўзидан бирлашган қироллик аҳолиси нима сабабдан бу оила қувончидан бу даражада таъсирланмоқда деган савол туғилиши шубҳасиз. Биринчидан, Дэвид ва унинг собиқ қўшиқчи хотини машҳурликда қирол оиласини бирмунча ортда қолдиради. Тадқиқотнинг бундай натижалари, ҳатто уни ўтказган мутахассисларни ҳам ҳайратга солган. Иккинчидан, Англия бугун демографик жиҳатдан қолоқ давлат ҳисобланади. У ерда бола тарбиялашга қобилияти бор ҳар бир оилада ҳозир 1,2 нафар бола тарбияланмоқда. Шунинг учун давлат ҳокимиятидагилар ҳам Викториянинг ҳомиладорлигидан унинг эридан кам қувонишмаяпти. Қисқаси, бу оила ўз ватанида ўзига хос мавқега эга бўлиб улгурган ва улар каби турмуш кечириш ҳар бир англияликнинг орзусига айланган. Дэвид ва Виктория ҳам ўз ватани учун бўладиган ҳар қандай хизматдан бўйин товлашаётгани йўқ. Улар оилавий ҳаётга тегишли ҳар қандай сирдан ватандошларини воқиф этиш истагини ҳам билдиришган.

Виктория Адамс севишганингиз билан ҳеч қачон айрилиққа йўл қўйманг, деб таъкидлаган. Унинг ўзи Дэвиднинг ҳар бир ўйини у ёқда турсин, ҳар бир машғулотига боради. У хотиннинг биринчи ўғлига ҳомиласи тўққиз ойлигида ишқибозларга қўшилиб, ҳуштак чалиб, майдонда ўтирганини кўрган Бекхэм ўғлим худди машҳур бастакор Бетховен каби кар бўлиб туғилмасайди, деб хавфсираганди ҳам. Виктория "ишқибозлик қилиш санъати"дан ҳам бехабар бўлиб, ҳуштак чалиб, қўлни силкиб, ҳайқиришнинг ўрни етканида "Манчестр юнайтед"нинг бошқа мухлислари ҳаркатларига монанд амалларни қўлларди. Шунинг учунки, машҳур футболчининг хотини футболдан мутлақо бехабар чиқиб қолди. Дэвид бир-икки марта унга бу спорт тури қоидаларини ўргатишга ҳаракат қилиб кўрди.

Бироқ самараси бўлмагач, охири қўл силтаб қўйди. Шунга қарамай, Виктория футболга баъзи бир ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ўзига хос фикрларига эга.

Маълумки, севишганлар бир-бирига тез-тез совғалар қилиб туришни ёқтиришади. Бунинг устига улар нарса кўринишида бўлса, яна ҳам яхши. Илгари Виктория қизлик чоғида "Спайс Гёрлз" таркибида бутун жаҳонни кезиб юрганида Дэвид дунёнинг истаган нуқтасига у ёқтирган сариқ хризантемаларни ҳар куни кечқурун жўнатиб туришни ёддан чиқармасди. Никоҳ маросими куни эса Бекхэм бўлғуси рафиқасига жаҳонда ягона бўлган ғаройиб узук туҳфа этди. Бу совға бундан буёғига ҳам ягона бўлиб қолса, ажабмас. Негаки, узукнинг хомаки нусхасини Дэвиднинг ўзи чизиб, уни платинада акс эттиришни заргарларга буюртма берган. Заргарлар қачонлардир бу қимматбаҳо буюмни Бекхэмнинг рухсатисиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйишса ҳам уларни йирик миқдордаги жарима кутади. Виктория ҳам совға-эътиборнинг бир кўриниши эканлигини билади ва вақти-вақти билан Дэвиддан қолишмасликка ҳаракат қилиб туради.

Дунё яралганидан буён фиску фасод, гап-сўзлар не-не олижаноб қалб соҳиблари юракларини жароҳатламаган дейсиз. Викториянинг айтишича, бу пайтда фақат кўнгил хукмига қулоқ тутмоқ жоиз. Бундай кимсалар Дэвид ва Викториянинг орасига оламушук оралатишига ҳам уннаб кўришган. Бундай ҳолатларда иккиси ҳам атрофидаги дўстлари хиёнатларини яширишга, кечиришга ва билиб-билмасликка олишга ҳаракат қилишган. Бўлаётган, бўлиб ўтган воқеаларни иккиси ҳам билиши маълум бўлиб қолгач, улар бунга аҳамиятсиз деб қараб, кулиб қўя қолишган. Бу эса инсоният орасидаги мавжуд кўра олмаслик иллатининг олдини олишнинг энг тўғри йўлидир.

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

ТУЗАТИШ

Газетанинг 2002 йил 14-август сонида эълон қилинган "Халқ таълими ва ҳокимият: Жиззах тажрибаси" (3-бет) сарлавҳали мақоланинг тўртинчи устун тўртинчи хат бошисидаги 13-,14-қаторлари "166 минг 209 АҚШ доллари" тарзида, шунингдек, бешинчи устуннинг ўн биринчи қатори "84 минг 309 АҚШ доллари" деб ўқилсин.

1-Тошкент Педагогика билим юрти томонидан 2000 йилда Кондра Юлия Павловна номига берилган №443003 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекобод туманидаги 2-мактаб томонидан 1999 йилда Кенжаев Хайрулла Валиевич номига берилган O'R-A №626199 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 111-мактабнинг собиқ раҳбари, Республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер **Хожиакбар ҚУРБОНОВ**нинг вафоти муносабати билан мактаб маъмурияти унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ҳақиқий санъаткорнинг ўз йўналиши бўлиши билан бирга, ўзининг ички бир туйғуси, дарди, халққа етказмоқчи бўлган фикри бўлиши керак, деб ўйлайман.

— Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, - деган эди Амир Темур, — дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги яна ортди, душманларга шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

САНЪАТГА ЁШЛИКДАН ЎРГАТИЛСА...

ХУНЕРМАНДЛАР ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Бугунги кунда Хоразм услуби ва оҳангидаги қўшиқлари билан миллий эстрадамизнинг бир қиррасига безак бериб келаётган истеъдодли хонандалардан бири Азизахон Ниёзметовадир. У билан дилдан суҳбатлашиб, бугунги қўшиқларнинг умрини чамалаб, илгариларига қиёслаб кўрдик.

— Азизахон, аввало санъатга қадам қўйиш жараёнингиз қандай кечган, қолаверса, фольклор жанрида ижод қилишингизнинг боиси нимада?

— Ёшлигимдан санъатга ўта қизиққанман, Хореография ва рақс тўгаракларига мунтазам қатнашганман. Бизда лапарчилик санъати яхши ривожланган бўлиб, унда ўйнаб туриб сўзни кўрсатиш керак. Мен боғчадаям, мактабда ўқиган пайтларимдаям Хоразм халфачилик йўналишида қўшиқлар айтишга ҳаракат қилардим. Шу қизиқишим туфайли педагогика билим юртига ҳужжат топширдим. Ва 1-курсда ўқиш жараёнида бир гуруҳ санъаткорлар билан бирга Югославияга ўзбек санъати, хусусан, Хоразм санъатини намойиш этиш учун фестивалга бордик. Бу сафар мен учун ўзига хос рамзий маънога эга бўлган, чунки, бир пайтлар бизда "Оразибон" фольклор ансамбли бўлар эди. Ансамбль ўша пайтда Югославияда ўзбек санъатини танитган эди. Биз борганимизда ҳам томошабинлар ўзбек фольклор санъатининг келажаги борлигини эътироф этишди. Айниқса, рақсларимиз уларни маҳлиё айлади. Ҳеч қаерида таржимоннинг кераги йўқ. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўзбек санъати жуда бой ва кўпқиррали, бизга ҳозир ташқаридан кириб келаётган енгил-елпи "санъаткорлар"нинг кераги йўқ. Менинг ўз олдимга қўйган мақсадим ҳам ўзбек фольклор санъатини дунёга янада кенг тарғиб этишдир. Шунингдек, Хоразм фольк-лори билан халқимизни янада чуқуррок таништириш, унинг ҳар жабҳасини, яъни сўзларидан тортиб кийимининг ҳар бир деталларини аввал қандай бўлса шундай етказиб беришдир.

Мен Хоразмда, умуман республикамизда фольклор йўналишидаги ижодкорларимизни ўз устозим деб биламан. Уларнинг ижодидан ўзим учун керакли бўлган жиҳатини оламан.

— Эндигина санъатга қадам қўяётган ёш ҳаваскорларга қандай баҳо берасиз?

— Ҳозир бизда бир-бирига тақлид қилиш қайсидир ижодкорнинг "нусха"-си бўлиб қолаётган ижрочилар кам эмас. Лекин уларни санъаткор деб бўлмайди. Улар санъат оламида из қолдиролмайди. Ҳақиқий санъаткорнинг ўз йўналиши бўлиши билан бирга, ўзининг ички бир туйғуси, дарди, халққа етказмоқчи бўлган фикри бўлиши керак, деб ўйлайман.

Истардимки, ҳозирги ёшларимизга ўзбек санъатини боғча, мактаб ёшидан ўқитиб, ўргатиб борилса, уларнинг онгига сингдирилса, ўшанда миллий қадриятларимизни янада улуғлаган бўлардик.

— Ҳозир эстрада санъатида енгил-елпи қўшиқлар, қофиябозлик чет эл эстрадасига тақлид қилиш кузатилмоқда, сизнинг бунга муносабатингиз қандай?

— Ҳа, афсуски, бу бор нарса. Буни инкор этиб бўлмайди. Тўғриси, бу бизнеснинг бир тури бўлиб қолди. Уларни ижодкор деб бўлмайди. Назаримда, пойдеворсиз уйга ўхшайди. Чунки пойдевор бўлмаса ҳар қандай гўзал бино ҳам узоқ турмайди. Санъат ҳам худди шундай.

— Режаларингиз?

— Шу йилнинг ўзида учта аудио кассета, халфачилик йўналиши бўйича компакт диск чиқардим. Чет давлатларга гастрол сафарларига чиқиб, ўзбек миллий санъатининг довруғини янада кенгроқ ёйилишига ўз ҳиссамни қўшсам дейман. Бундай ташқари, янги-янги қўшиқлар яратиш ва халқимизга тақдим этиш ниятидаман.

Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди

БУЮКЛАР ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Дўстлик, ўртоқлик тушунчалари қадим-қадимдан улуғланиб келингани ҳолда дунёдаги жамики улуғ сифатлар қаторида саналади. Ҳали ёзма адабиёт вужудга келмасдан аввал халқ оғзаки ижодида, мақолларда, эртакларда, лапар ва айтишувларда халқ ўзининг дўст ва дўстлик ҳақидаги теран мазмунга эга бўлган фикрларини аниқ ва ихчам тарзда ифодалаган.

Ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий асарларида ҳам бундай мисолларни тез-тез учратамиз. Абдулла Қодирий ўзининг "Меҳробдан чаён" романида Анвар билан Насимнинг дўстлигини қуйидагича таърифлаган:

"Анвар ҳар ким учун ҳам суйимли ва хушмуомалалилиги барчага баробар эди. Аммо, айниқса, хуш кўрган кишиларидан биринчиси Раъно ва иккинчиси мактабдаги сабоқдош шериги Насим исмли бола эди. Насим билан Анвар жуда яқин дўст, бир-бирини англагучи сирдош ўртоқ эдилар. Гарчи Насимнинг отаси Қўқоннинггина эмас, бутун хонликнинг танилган кишиларидан ва бу икки боланинг синфий айирмаликлари ер билан кўкча, лекин ёш дўстлар бунинг фарқига етмасалар, Насим "хон Мирзобошисининг ўғлиман" деб ҳаволанмаганидек, Анвар ҳам "Салим бўёқчининг етими, Солиқ Махдумнинг асрандисиман" деб андиша қилмас эди. Бу икки бола бир жойда суҳбатга киришсалар, четдаги бир киши Анварни йиртиқ бўз кийимлар ичида ва Насимни шоҳи-адрасалар билан ғарқ ҳолда кўриб, албатта "бу гадойбачча билан бекбаччанинг ўзаро нима муносабатлари бор?" деб таажжубланар, лекин дўстлар ҳали бунинг айирмасини идрок қилмаслар эди. Бахтга қарши бу дўстлик алоқаси узоқ давом этолмади. Бир кун орадаги дўстлик риштасини ўлим келиб узди...

Муҳаммад Ражаббек ва оиласи учун бу мусибат, албатта, оғир эди. Бироқ, улардан ҳам Анвар учун оғир бир ҳасрат бўлди. Ҳатто, кўз ёшини марҳумнинг ота-онасидан ҳам кўпроқ Анвар тўкди десак, муболаға қилмаган бўлурмиз. Уч кун мактаб ва махдумни унутиб, Муҳаммад Ражаббек ҳовлисида туриб қолди. Ҳар оқшом Насимнинг қабри устида бир соатлаб йиғлаб ўлтурувчи бўлди. Бу ёшнинг самимий чин дўстлиги ва ўртоғига садоқати ҳар кимни таажжубга қўйди".

Юқорида келтирилган бу мисол билан севимли адибимиз беғубор ёш қалблардаги ҳақиқий дўстликка таъриф берган бўлса, ажаб эмас.

— Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, - деган эди Амир Темур, — дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги яна ортди, душманларга шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

— Дўстсиз яшаш мумкин эмас, аммо ҳамма ҳам дўстликка арзийвермайди, - дейди Муиниддин Жуваний.

Дўстингиз кўпайсин. Дўстларингиз ҳамма вақт сиз билан бирга бўлсин! Зеро, севимли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек:

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст қадам босмас экан,
Вайронадир, кошона ҳам.

Ўринбой БОБОЁРОВ,
Фарҳод ХОЛСАИДОВ,
1-Тошкент педагогика коллежи она тили ва адабиёт ўқитувчилари

Xullas...

ОНАСИНИ КЎРИБ, ҚИЗИНИ ОЛМАГАН ИТАЛИЯЛИК

Эр-хотинларнинг аҳилликда ва иттифоқликда яшаши бахтлилик белгиси ҳисобланади. Аммо жуфтликларнинг ажрашишига барча мамлакатларда баъзан арзийдиган, баъзан арзимайдиган воқеа-ходисалар сабаб бўлиши мумкин.

Италия Олий суди кўп йиллардан бери бирга яшаётган эр-хотиннинг ажрашиши ҳақида қарор қабул қилди. Улар бир-бирига хиёнат қилганмикин, деб ўйлашингиз мумкин.

Аслида бунга хотининнинг ғирт ялқовлиги сабаб, деб кўрсатилди.

Гап шундаки, ивирсиган уйда хотини билан яшаш жонига теккан эр охирги чорани қўллади. Чидаган ҳам шунчалик бўлар, охири пичоқ бориб суягига қадалди. У суд ходимларига ашёвий кўрсатма сифатида уйининг бесаришта ҳолатлари акс этган фотосуратларни тақдим этди.

Хотиннинг ялинишини кўрсангиз эди... Аммо бундай бўлмаслиги учун у эртароқ ўйламади-да... Шундай қилиб, ҳам арзийдиган, ҳам арзимайдиган сабабга кўра, италиялик эр-хотинларнинг оилавий муносабатларига чек қўйилди.

УЗЛУКСИЗ ЕТИШТИРИЛГАН ЭГИЗАКЛАР

Бир марта эгиз фарзанд кўрган аёл иккинчи ва учинчи марта ҳам бундай ҳолатга дуч келиши мумкин, дейишади. Мана, бунинг исботини эшитинг.

Америкалик 21 ёшли Марлен Валл кетма-кет туғилган эгизакларнинг онаси бўлишга улгурди. Эгизаклар роппа-роса 9 ойда "юзлашишди". Бунга хонимнинг ўзи ҳам ҳайрон. Балки эрим иккимиз қувончдан ўзимизни қўярга жой топа олмагандирмиз, деб ўйлади у.

Шундай қилиб, ёш она икки ўғил, икки қизни бағрига босиб, бахтли бекага айланди. Унинг фикрича, ҳали оёғи ҳам чиқмаган эгизаклар билан эндигина туғилган чақалоқларни катта қилиш азоб бўлса-да, вақти келганда, уларнинг роҳатини кўриш ҳам насиб қилади.

Оқилона фикр. Унинг ўрнидаги ўзбек аёли ҳам шу гапни айтган бўларди.

НАФС ЭМАС, ҲИМОЯ МАҚСАДИДА ЭКАН

Хонадон жонзотлари — куркалар ҳақида кўп нарса билмасангиз керак. Қизиқиб кузатсангиз, уларнинг ажойиб ва ғаройиб қилиқлари борлигига амин бўлар экансиз.

Россиянинг Липецк вилоятидаги Васильевка қишлоғида яшовчи курка қармоқ кўтарган кишининг ортидан эргашаверди, эргашаверди... Минг марта ҳайдаш минг марта қарғаш, бефойда. Шундан сўнг балиқчи ҳам қўл силтайди ва куркани ўз ҳолига қўйиб беради.

Қандай манзара кўзга ташланади, денг. Балиқ овловчи қармоқни сувга ташлаши билан курка асабийлашиб, ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ота бошлайди, қанотларини қоқади. Табиийки, балиқчи у балиқ илинжида шундай қилаяпти, дея ўйлаб куркага сув жонзотидан ташлайди. Аммо курка балиққа қайрилиб ҳам қарамайди. Демак, у нафсини қондириш мақсадида эмас, балки балиқларни ҳимоя қилиш мақсадида овга чиққанларнинг кетидан қолмас экан-да.

ana shunaqa gaplar

Ватан манзаралари



Ko'ngil bitiklari

ТУЙҒУЛАР...

Жуманазар БЕКНАЗАР

Таёқнинг бор каби икки томони
Бормикан Ватаннинг яхши-ёмони...
Бу сифат мезони берилиши қайдан,
Ё ҳисобдамикан гул ё сомони.

Бор эрур маконлар — сариштa ҳар ён,
Меҳмонга дуогўй ҳар битта инсон.
Кўчасида сирли ўйнайди чирок,
Ранглар жилосидан товланар ҳар ён!

Ҳа, қайда юксакдур Ватан туйғуси,
Макондан мўъжиза Ватан бўлғуси,
Тафаккур майдони кенгайиб чунон,
Комил инсонларга Ватан тўлғуси!

Бўлса-да таёқнинг икки томони,
Ҳеч, бўлмас Ватаннинг яхши-ёмони.
Сифат мезонидур Инсоннинг ўзи,
Фақат расо бўлсин ақлу иймони.

Ватаним мўъжиза — Ватаним жаннат,
Эркин, ҳур фикрли, улуғ салтанат,
Юлдуздек чақнайди зеҳнли ёшлар,
Улғайиб бўлишар Нобеллар албат!

"МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ" БОШҚОТИРМАСИ



Энига: 1. Қадимдан қолган урф-одат, анъаналарнинг умумий номи. 4.Қўшиннинг заҳира қисми. 6. 1991 йили эълон қилинган Европа пул бирлиги. 8. Пайғамбарлардан бири. 11. Кўрсатиш олмоши. 12. Сен барибир муқаддассан, муқаддас ..... . 14. Ўғил болалар исми. 16. "Навоий" тарихий романи муаллифи. 19. Ранг. 21. Ёмғир тушганда ернинг ҳолати. 22. "Олтин девор" комедияси қаҳрамони. 23. Айбни бўйнинга олиш. 24. "Олтин зангламас" романи бош қаҳрамони. 25. "Юлдузли тунлар" романидаги Бобурга хизмат кўрсатган аскар. 27. Қиз болалар исми. 29. Кимёвий суюқлик. 33. Мотоцикл русуми. 36. Руҳга ишониш. 37. Одил Ёқубов асари. 38. Меҳнаткаш ҳашорат. 39. Пишиқ ғиштдан қурилган гумбазли ҳовуз. 40. Қабила. 42. Маънодош сўзлар. 44. Мусобақа. 46. Зардўштийларда ҳосилдорлик худоси. 48. Қизлар исми. 49. Адабий тур. 51. Нотўғри, ёлғон .. . 52. Шоҳрух вафот этган шаҳар. 53. Инсон аъзоси. 54. Сўз туркуми. 56. Айёр ҳайвон. 57. Ишлар ҳамиша .. . 59. Қизлар ҳуснига ҳусн қўшувчи. 60. Қишлоқнинг зироаткор аҳолиси. 62. Қимматбаҳо металл. 64. Жангда тана ҳимоячиси. 65. Зардўштийлар худоси.

Бўйига: 1. Бадиий асарларда ёвузлик кучлари ранги. 2. Гилос бирла узумдан .. ? (шеър). 3. Тириш. 4. Мадраса мутаваллиси. 5. "Шаҳзод" гуруҳи қўшиғи. 6. Гапнинг бош бўлаги. 7. Ўғил болалар исми. 9. Садоқатли. 10. Ипак мато. 11. Партиялардан бири. 13. Қуш. 14. "Илон ўчи" романидаги шофёр йигит. 15. Реал тасвирланган асар. 17. Олтин Ўрда пойтахти. 18. Шаҳар. 20. Вазирлик. 21. Он. 24. "Алпомиш" достони қаҳрамони. 26. Машҳур ҳинд асари. 28. Франция-98 (футбол)нинг энг яхши ўйинчиси. 30. Ишқ эгаси. 31. Энг узун дарё. 32. Юрак. 34. Чуқурлик. 35. Йўқ сон. 40. Подшоҳ қасри. 41. Доно. 42. Гўзал. 43. Ўзбек мумтоз шоири. 44. Қўриқчи аскарий бўлинма. 45. Жавоб учун бериладиган .., 47. Бурж. 48. Умаршайх вафот этган қўрғон. 50. Тоғ қуши. 51. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кулги устаси. 55. Маълум ҳудудда тушунарли сўзлар. 56. Олтин курси. 58. Тун. 59. Туйғу. 61. Аскарий бўлинма. 63. Ғойибдан келган овоз. 64. Маккажўхори.

Тузувчи: Алишер Раззоқов, Ургут тумани.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-729.
Тиражи 23789 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2
Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-56-10.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Топширилди — 20.00